164

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 164 (2455). | 23 август, жума, 1963 йил. | Баҳоси 2 тийин.

## МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШНИНГ ТЎҒРИ ЙЎЛИ

### «КУБАНЬ» СОВХОЗИ ХОДИМЛАРИГА Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ МАКТУБИ

Ўртоқ Н. С. Хрушчев Краснодар ўлкасидаги «Кубань» совхози коллективини меҳнатда эришган муваффақиятлари билан самимий табриклади.

Бундан икки йил муқаддам, деб ёзади Н. С. Хрушчев, биз совхоз директори ўртоқ Максимовни Кубандаги жуда бой қора тупроқ ерлардан ёмон фойдаланилганлиги учун қаттиқ танқид қилган эдик. 1961 йилда совхоздаги далаларнинг деярли учдан бир қисми ўтлар билан банд қилиниб, энг серҳосил экинлардан ҳисобланган буғдой ҳайдаладиган ерларнинг атиги 20 процентига ва маккажўхори фақат 16 процентига экилган эди. Ердан оқилона фойдаланилмай келинган эди.

Совхоз коллективи бундан амалий хулосалар чиқариб олди. Ҳозир экин майдонларининг структурасида серҳосил дон экинларидан — кузги буғдой, маккажўхори ва нўхат асосий ўринни эгаллади. Ўтлар майдони 1961 йилдаги 3865 гектардан бу йил 650 гектаргача, ёки ҳайдаладиган майдонларга нисбатан 30 процентдан 5 процентгача камайтирилди. Бу тўғри йўл, деб таъкидлайди Н. С. Хрушчев. Ғалла—Ватанимизнинг бойлиги. Дон етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш қишлоқ хўжалиги ҳамма тармоқларини ривожлантириш асосларининг асоси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Совхоз коллективи деҳқончилик маданиятини юксалтириш тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилиб келаётганлиги жуда муҳимдир.

Қилинган ишларнинг натижаси шу бўлдики, совхоз бу йил «Безостая-1» навли кузги буғдой экилган 3200 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 47,5 центнердан дон олди, нўхат ва бошқа дон экинларидан мўл ҳосил олинди. Ҳайдаладиган ерларнинг ҳар гектарига ҳисоблаганда 26 центнердан дон етиштирилади. Совхоз бу йил мамлакатга Кубаннинг сара ғалласидан 1 миллион 225 минг пуд беради, бу эса 1961 йилдагига нисбатан бир ярим баравар ортиқдир. Совхоз ўзининг 30 йиллик бутун тарихида ҳеч қачон шунчалик кўп дон топширмаган эди.

Сиз, деб таъкидлайди ўртоқ Н. С. Хрушчев, ўз намунангиз билан ҳамма колхоз ва совхозларга дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг тўғри йўлини яна бир марта яққол кўрсатиб бердингиз.

(ТАСС).

# СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

Атмосферада, космик фазода ва сув остида ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисидаги Шартномани СССР, АҚШ ва Англия ҳукуматлари Москвада имзолаган кундан бери ҳали бир ой ҳам вақт ўтгани йўқ. Лекин, мана шу қисқа вақт ичида ҳам халқлар ва ҳукуматларнинг бу Шартномага муносабати аён бўлиб қолди: Шартнома имзоланган кун — 1963 йил 5 август тинч-тотув яшаш сиёсатининг, янги жаҳон урушининг олдини олишга қаратилган куч ва ғайратнинг самаралари анча сезилярли бўлиб қолган кун тариқасида ҳамманинг, тинчликни қадрловчи ҳамма кишиларнинг онгида из колдирди.

«Совуқ уруш» хира қилиб келган узоқ йиллар давомида биринчи марта Шарқ ва Ғарб давлатлари ер юзидаги бутун аҳолининг ҳаётий манфаатларига дахлдор бўлган жуда муҳим халқаро масала устида битимга келишга муваффак бўлдилар. Инсониятга шу вақтгача таҳдид қилиб келган қуроллар орасида энг кўп қирғин келтирувчи қуролга ғаллуқли соҳада биринчи марта битим тузилди. Ядро қуролига эга бўлган давлатлар даставвал ишлаб чиққан халкаро Шартнома ҳам биринчи марта планетамизнинг ҳамма қисмларида мана шундай зўр куч билан маъқулланди ва қувватланди. Ҳозирги вақтда ҳамма қитъаларда умумхалқ овоз бераётир, деса бўлади, бу овоз беришнинг якунлари ҳозир маълум бўлиб колди: жаҳон халқлари бу Шартномани қатъият билан қувватладилар.

Ўзларининг сиёсий ва социал тузумлари жиҳатидан турлича бўлган, кўпинча бир-бирига қарамақарши дунёқараш ларга амал қилаётган давлатларнинг кўпчилиги Шартномани қувватлаётганликларини айтдилар ёки унга ўз имзоларини чекдилар. Улар бир-бирларидан ҳар қанча фарқ қилганликларига қарамай, битта нарсада бирлашдилар: улар ер атмосферасини захарлашни тўхтатишга ва айни вақтда халкаро кескинликни юмшатиш йўлида, термоядро урушининг бошланиб кетиш хавфини камайтириш йўлида қадамлар қўйишга киришишга биргаликда интилдилар.

Ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисидаги Шартномани халклар ёппасига маъқуллаганлиги айни вақтда шу Шартномага қарши чиққанлар яккаланиб, нақадар жирканч ҳолда қолганликларини ҳам кўрсатди. Ядро синовларини тўхтатиш мумкинлиги тилга олинганининг ўзидагина дастлаб тепа сочи тикка бўлиб кетаётганлар орасида ҳам эндиликда ўз фикрини йўл-йўлакай ўзгартира бошлаган ҳукуматлар ва давлат арбоблари бор.

Масалан, Германия Федератив Республикасининг ҳукумати бу Шартномани имзолашга қарор қилди ва энди уни имзолади. Бу ҳукумат ҳар ҳолда шуни тушунган бўлса керакки, ўтиб кетиш хавфли бўлган чегаралар бор, агар бу чегарадан ўтиб кетилса ҳукумат ўзининг сиёсати халқларнинг ҳаётий манфаатларига зид бўлган сиёсат эканлигини бутун дунёга яққол ошкор қилиб қўйиши мумкин. Хатто Ғарб мамлакатларида ҳам «совуқ уруш»нинг охирги намояндаларидан бири бўлиб машъум ном чиқарган канцлер Аденауэр ҳам ядро синовларини тақиқлаш тўғрисидаги Шартноманинг йўлини очиқдан-очиқ тўсишни вазиятнинг тазйики остида, жаҳон афкор оммасининг қисуви остида тўхтатиш яхшироқ, деб билди.

Аммо, Хитой Халқ Республикасининг раҳбарлари сохта революцион қуруқ гаплар ниқобига бурканиб, халқларнинг умидларини ифодаловчи Шартномага тухмат ва бўҳтонлар ёғдиришни давом эттирмоқдалар.

Шартномани имзолаш арафасидаёқ Хитой Халқ Республикасининг раҳбарлари жаҳон афкор оммасини бу Шартномани имзолашга қарши бўриб юборишга урониб кўрдилар. Улар шу йил 31 июлда жаҳондаги ҳамма мамлакатларнинг ҳукуматларига баёнот билан мурожаат қилдилар, бу баёнотда Совет Иттифоқига ва унинг тинчликсевар ташқи сиёсатига уйдирма тухматлар ёғдирилганидан ташқари, унинг моҳияти шундан иборат бўлдики, шу баёнотда улар бу Шартнома «тузоқ», «алдамчилик» деб, бу Шартнома халқларнинг манфаатларига, тинчлик манфаатларига зид, деб ҳамма ёқда ва ҳаммага «исботлаш»га уриндилар. Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг бу позициясига жаҳонда қандай баҳо берилганлигини бугунги кунда Хитой раҳбарларининг ўзлари кўришлари мумкин. Шартномани имзолаган давлатларнинг рўйхати билан ганишиб чиқишнинг ўзигина буни очиқ кўрсатиб турибди. Шартнома текстида эса ҳар кун Европа ва Осиёдаги, Африка ва Латин Америкасидаги давлатлар вакилларининг янгидан-янги имзолари пайдо бўлмоқда.

Буни кўриб обдон ўйлаш керак эди, ядро синовларини тақиқлаш тўғрисидаги Шартномага путур етказиш учун Хитой ҳукумати қилаётган уринишларга давлатлар ва халқларнинг мана шундай жавоб бераётганлиги нималардан далолат бераётганлигини Пекингдагилар ҳам тушуниб олишлари керак эди. Ўзўзидан равшанки, бошқа ҳар қандай мамлакат ҳукумати каби Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ҳам Шартномага ўзининг муносабатини — ижобий ёки салбий муносабатини белгилашга, бу Шартномага қўшилишга ёки қўшилмасликка ихтиёрлидир. Зироқ, бошқарти қандайдир алоҳида мақсадлар, эҳтимолки, ҳатто бу Шартномага бевосита алоқаси бўлмаган мақсадлар кўзланмаётган бўлса, у ҳолда Шартномани имзолашдан бош тортиш ва шу билан ганни тамомлаш кифоя қилган бўлур эди. Лекин маълум бўлишича, ҳамма гап худди шундаки, ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисида Шартнома тузилганлиги Хитой раҳбарларида ҳақр-ғазаб ва сиёсий асабийлик туғдирибгина қолмади, шу билан бирга улар уруш ва тинчлик тўғрисидаги туб масалаларда ўзларининг авантюристик платформаларини ўйдирмалар ва пасткашлик билан қилинаётган найранглар ёрдамида бошқа мамлакатларга зўрлаб қабул қилдиришга урониб кўрмоқ ўчун халқаро турмушнинг мана шу муҳим воқеасидан ҳам фойдаланиб қолмоқчилар. Ядро синовларини тақиқлаш тўғрисидаги Шартномага қарши ва СССРнинг ташқи сиёсатига қарши туҳматларнинг навбатдаги бир қисми бу сафар Хитой Халқ Республикаси ҳукумати вакилининг баёноти тарзида 15 августда Пекинда эълон қилинганлигини худди шу нарса билан изоҳлаш мумкин.

Ядро синовларини тўхтатиш учун кўп йиллардан бери тинмай курашиб келаётган тинчликсевар кучларнинг муваффақиятидан мамнунлик ифодаси бўлган овозни — халқларнинг осойишта ва дадил овозини тинчлик ва социализм ишига душманлик билан қўйилган бу қадам бўға олмаслигига жаҳондаги ишларнинг аҳволига объектив баҳо берувчи ҳар бир кишининг қаноат ҳосил қилиши қийин эмас. Хитойнинг янги баёноти башарти бирор нарсага қаноат ҳосил қилдирадиган бўлса, бу нарса фақат шундан иборатки, Хитой Халқ Республикаси ҳукумати синовларни тақиқлаш тўғрисидаги Шартномага шундай муносабатда бўлиш билан эндиликда империалистик давлатларнинг энг агрессив кайфиятдаги доираларига ёндошибгина қолмасдан, шу билан бирга, у, Америкадаги «қутурганларнинг», Ғарбий Германия реваншчиларининг, француз экстремистларининг сафида етакчилик ролини ҳам ўз зиммасига олмоқда.

Аслини олганда, Хитой ҳукумати вакилининг баёноти Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг шу йил 31 июлдаги баёнотида айтилган гапларга ҳақиқатда ҳеч бир янгилик қўшгани йўқ. 31 июлдаги шу баёнотга Совет ҳукумати 3 августдаёқ жавоб берган эди. Хитойнинг бундан олдинги баёноти каби янги баёноти ҳам шуни кўрсатиб турибдики, Хитой Халқ Республикасининг раҳбарлари тинчтотув яшашга, халқаро кескинликни юмшатишга ва халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган, коммунистик ва ишчи партияларнинг 1957 ва 1960 йилларидаги Кенгашларида халқаро коммунистик ҳаракат маъқуллаган йўлга оғиздагина қўшиладилар-у, аммо амалда эса, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ва жаҳон коммунистик ҳаракатининг мана шу умумий йўлини амалга оширишга қаратилган куч ва ғайратга қаршилик кўрсатмоқдалар.

Советларга қарши шиддатли кампания олиб бораётган Хитой газеталарининг саҳифаларида хитой тилида бўлган қойиш сўзларининг ҳаммаси такрорланмоқда. Мана шу сўзлар Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг расмий ҳужжатларига кўчирилаётган бўлса керак. Хитой халқи ўзининг кўп муваффақиятларига бизнинг мамлакатимиз туфайли эришганлигини Хитой раҳбарлари неча марталаб эътироф қилган эдилар. Эндиликда улар шу мамлакат шаънига «шармандалик», «фитна», «хоинлик» ва бошқа шу каби сўзлар билан туҳмат қилмоқдалар. Шу сабабли, ғоят табиий бир ҳолдирки, Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг ҳар иккала баёноти Совет Иттифоқига қилинаётган туҳматлар, душманлик ифодаси бўлганлиги учун ҳам, СССРнинг Хитой Халқ Республикасидаги элчихонаси бу баёнотларни Совет ҳукуматига топшириш учун қабул қилмади, балки Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг ўзига қайтариб берди.

Хитой Халқ Республикаси ҳукумати вакилининг баёнотида асосли, жиддий далилларни, объектив равишда баён қилинган фактларни топиш қийин, тўғрисини айтганда эса топиш мумкин эмас.

Хитойнинг янги баёнотида, ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисидаги Шартнома «уруш кучларига фойдали ва тинчлик учун курашаётган кучларга фойдали эмас», бу Шартнома «Америка империализми олдида таслим бўлишдир», муайян давлатларнинг «ядро монополиясини» мустаҳкамлашга қаратилган шартномадир, деган ва шу каби даъволар тўлиб ётибди. Ўз-ўзидан равшанки, бу қуруқ даъволар бениҳоя такрорланаберганлиги билан ишонарли бўлиб қолмайди. Шу сабабли, Совет ҳукумати Хитой ҳукумати томонидан мазкур Шартномага қарши айтилаётган уйдирма гапларнинг ва пуч важларнинг ҳаммасини яна батафсил кўриб чиқишнинг ҳожати йўқ, деб билади. Бу даъволарнинг асоссизлиги Совет ҳукуматининг 3 августдаги баёнотида кўрсатиб ўтилган эди. Масалан, Хитой раҳбарлари, ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисида Шартнома тузилганлиги натижасида «уруш хавфи кучайиб кетди» деб даъво қилмоқдалар. Бу даъво нимани билдиради? Агар, Шартнома уруш хавфини йўқотмайди, деб айтилаётган бўлса, бу гап тўғри. Совет ҳукумати Шартномани имзолаш вақтида ҳам буни айтиб ўтган эди, гарчи Шартнома тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги курашни авж олдириш учун янги, янада қулайроқ имкониятларни очиб берса ҳам, аммо бу Шартнома билан уруш хавфи олиб ташланмайди ва олиб ташланиши мумкин эмас, албатта, деб уқтириб ўтган эди. Лекин Хитой раҳбарлари асло буни айтаётганлари йўқ. Улар ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисида Шартнома тузилганлиги натижасида уруш хавфи қўпайди. Шартнома тузилмасидан олдинги вақтдагига қараганда каттароқ бўлиб қолди, деб исботламоқчилар. Демак, синовларни тақиқлаш тўғрисидаги Шартнома нинг аҳамиятига баҳо беришда бутун дунё янглишаётган экан-да, фақат Хитой раҳбарларининг қўлидагина дониш мандлик калити бор экан-да. Шунигина айтишга тўғри келадики, бу донишмандлик қандайдир Олимпда ўтириб олиб, реал турмушга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ҳақиқатларни айтавериш мумкин ва, агар турмуш бизнинг ўлик схемаларимизга сиғмаса, бундан турмушнинг ўзига зарар, деган фикрга ўз ишларида амал қилаётган кимсаларгагина хос жуда ғалати донишмандликдир.

Бироқ, Хитой раҳбарлари ядро синовларини тақиқлаш тўғрисидаги Шартнома уруш хавфини кўпайтиради, деган ўз даъволарини нималар билан асосламоқдалар? Агар уларга қулоқ солсангиз, шу нарса келиб чиқадики, ядро қуроли синовларини давом эттиравериш ва кенгайтиравериш, унинг тағин ҳам кўпроқ қирадиган нусҳаларини яратиш, бу қурол бутун дунёга ёйилиб кетадиган ва эртага эса уни Ғарбий Германия реваншчилари, индинга эса, эҳтимол, чанкашичилар тўдаси ясайбошлайдиган, уларга бу ишда ёрдам кўрсатувчилар топилиши мумкин бўлиб қоладиган аҳволнинг пайдо бўлиши тинчликни мустаҳкамлаш ишига ёрдам берган бўлур эмиш.

Хитой янги баёнотининг авторлари шундай даъволари қилишга ҳам бориб етмоқдаларки, уларнинг даъвосига қараганда, ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисида Шартнома бўлмаганида эди, синовлар ҳам ўтказилмаган бўлур эди, чунки АҚШ ҳукумати бу синовларни «енгилтаклик билан» яна бошлаб юборишга журъат қилолмаган бўлур эди. Лекин бу бутунлай бемаъни гап-ку. Шундай деб даъво қилиш, агар давлатлар қонунлар нашр қилмаганларида эди, ҳуқуқни бузишлар бўлмас эди, деб бирор кимсани ишонтиришга уриниш билан баравардир. АҚШ ҳукуматининг ядро синовларини ўтказиш тўғрисидаги ниятлари ҳақида Хитой раҳбарлари нима сабабдан АҚШ ҳукумати номидан гапираётганликлари ҳам маълум эмас.

Атмосферада, космосда ва сув остида ядро синовларини тўхтатиш натижасида уруш хавфи кўпайиб кетиши ҳақида ўзлари айтаётган гапларнинг ҳаммаси Хитой раҳбарлари ўзлари айтаётган сўзларнинг маъносини тушунармикинлар, деган шубҳани одамларда туғдириши мумкинлигини Хитой раҳбарлари англаб қолган бўлсалар керак, шунинг учун ҳам улар яна бир «важ»ни илгари сурадилар, улар шу «важ» билан ўзимизни қутқариб қоламиз, деб ҳисоблаётган бўлсалар керак. Шунинг учун ҳам улар бу Шартнома Америка Қўшма Штатларининг ер ости ядро синовларини ўтказа беришини, ядро қуроли запасларини кўпайтира беришини тақиқламайди-ку, деб айтмоқдалар.

Лекин, биринчидан, Шартнома имзоланмасдан олдин ҳам бу масалада АҚШнинг ихтиёри ўзида эди. Бинобарин, бу жиҳатдан ҳеч қандай янгилик рўй бергани йўқ. Иккинчидан эса агар зарур бўлиб қолса, Совет Иттифокининг ҳам ер ости ядро синовларини ўтказа беришини, ўз ядро қуролининг запасларини кўпайтира беришини ва, ҳатто агрессорлар ақлдан озиб уруш бошлайдиган бўлсалар, шу империалистик агрессорларга қарши ядро қуролини ишлатишини Шартнома тақиқламайди. Бу масалада аҳвол бир хил, бир, совет кишилари ҳам ғўл эмаслигимизни, Совет Иттифоқи ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисида Шартнома тузганлиги билан империализм олдида бир томонлама қўролсизланишни асло ният қилмаётганлигини Хитой раҳбарлари АҚШнинг раҳбар арбоблардан яхшироқ биладилар.

Хитой раҳбарларининг Америка империализми олдида «таслим бўлиш» тўғрисидаги гаплари, атмосферада, космик фазода ва сув остида ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисидаги Шартнома «алдамчилик»дан иборат деган гаплари қанақа гўл одамларга мўлжаллаб айтилган гаплар экан! Бизнинг замонимизда бунақа гўл одамлар йўқ, халқлар ҳақиқат қаерда-ю, туҳмат қаерда эканлигини фарқ қилишни аллақачон ўрганиб олган.

Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг раҳбарлари шуни исботлашга уринмоқдаларки, ядро қуроли синовларини тақиқлаш масаласида Совет ҳукумати илгари бир позицияда турган бўлса, — буни олижаноблик билан улар тўғри деб ҳисоблашга тайёрдирлар, — сўнгра эса бошқа позицияга ўтган бўлса, бу қандайдир жуда ёмон гуноҳ эмиш ва, ҳаттоки, салкам хоинлик эмиш.

Ҳа, ядро қуроли синовларини тақиқлаш масаласида Совет Иттифоқининг позицияси қотиб қолган позиция бўлмади, бу позиция халқаро миқёсдаги кучларнинг нисбати ўзгариб бораётганлигига, СССРнинг ва барча социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг мудфаа қобилиятини мустаҳкамлашдаги ютуқларга мувофиқлаштириб борилди ва ядро асрининг реаллиқлари деб аталган жамики ҳолатни ҳисобга олиб борди.

АҚШда ядро қуроли пайдо бўлиб, АҚШ ядро монополиясига эга бўлиб қолган, шу сабабли социалистик мамлакатларнинг хавфсизлиги эса таҳдид остида қолган дастлабки йилларда Совет ҳукумати АҚШни бу афзалликдан маҳрум қилишни асосий вазифа деб ҳисоблаб, шунга асосланиб иш олиб борди. Бу мақсадга ё ядро қуролини батамом тақиқлаш йўли билан эришиш мумкин эди (бу эса, ўша вақтда ядро қуролига эга бўлган бирдан-бир давлат—АҚШнинг қўлидан шу қуролни тортиб олишнинг ўзгинаси бўлур эди) ёки барча социалистик мамлакатлар хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиладиган ўз ядро қуролимизни вужудга келтириш йўли билан эришиш мумкин эди. Шунинг учун ҳам ўша вақтда Совет ҳукумати ядро қуролини тақиқлаш ва тугатиш керак деган талабни ўртага ташлади, бу талаб Ғарб давлатлари томонидан рад қилинганидан кейин эса, Совет ҳукумати ўзининг ядро қуролини вужудга келтиришга киришди. Бу ядро қуроли барча социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг мустақиллигини ва хавфсизлигини таъминлайдиган яхши қўшимча гарантия бўлиши, социалистик давлатларга қарши агрессия қилиш иштиёқидан империалистларни қайтариб туриши лозим эди. Равшандирки, ўша вақтда АҚШ қўлида бўлган ядро қуролини айни вақтда тугатмай туриб бу қуролнинг синовларини тақиқлаш социалистик мамлакатларнинг манфаатларига жавоб бера олмас эди — бундай тақиқлаш Совет Иттифоқида ядро қуролини вужудга келтириш ишларини тўхтатиб қўйган бўлур эди ва Американинг ядро монополиясини мустаҳкамлаган бўлур эди.

Лекин аҳвол ўзгармаслигича қолмади. Совет халқи, совет олимлари ўзимизнинг ядро қуролимизни вужудга келтириш йўлида қизғин иш олиб борганликлари натижасида Американинг ядро монополияси барбод қилинди, жаҳон социалистик системаси ўзининг ядро қалқонига эга бўлиб қолди, империалистик давлатлар ядро шантажи сиёсатини, социалистик мамлакатларга нисбатан «эўравонлик» сиёсатини ўтказмоқ учун моддий асосдан маҳрум бўлдилар. Бундай шароитда ядро қуроли синовларини тақиқлаш масаласи ҳам янги тус олди. Эндиликда ядро синовларини давом эттира бериш ядро билан қуролланиш пойгасини тобора кучайтира бериши мумкин эди, холос. Социалистик мамлакатлар, барча тинчликсевар давлатлар ҳам бундан манфаатдор эмас. Шу билан бир вақтда, кучларнинг янги нисбати шароитида ядро синовларини тақиқлаш Американинг ядро монополиясини эмас, балки бу монополия тугатилганлигини, империалистик лагернинг бир томонлама афзаллигини эмас, балки ядро қуроли соҳасида кучларнинг вужудга келган янги нисбатини мустаҳкамлаган бўлур эди.

Мана шу ҳолатларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, Совет ҳукумати қуролсизланиш учун, ядро қуролини батамом тақиқлаш ва тугатиш учун қаттиқ кураш олиб боришни давом эттириш билан бирга, 1956 йилда, қуролсизланиш проблемасининг ҳал қилинишини кутиб турмай, ядро синовларини тўхтатиш тўғрисида битимга келишни таклиф қилди. Бундан олдинги босқичда илгариги позиция нақадар тўғри бўлган бўлса, ўзгарган шароитда бу позиция ҳам мана шундай тўғри позиция эди ва социалистик давлатларнинг манфаатларига, тинчлик манфаатларига худди шундай даражада жавоб берар эди.

Шу нарсани ҳам уқтириб ўтиш керакки, ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисида ўша вақтда Совет ҳукумати томонидан қилинган таклиф бу масалани ҳозир ҳал қилинган асоснинг ўзида ҳал этишни кўзда тутган эди. Ўша вақтда ядро синовлари фақат атмосферада ва сув остида ўтказилар эди, бошқа соҳаларда синовлар ўтказилмас эди, шу сабабли, атмосферада ва сув остида ядро синовларини тақиқлаш тўғрисидаги гина гап бормоқда эди. Шу йил 5 августда имзоланган Шартномага учинчи соҳа — космик фазо илова қилинди ва бу соҳадаги ядро қуроли синовлари ҳам тақиқланди. Шундай қилиб, фарқ шундан иборат бўлдики, АҚШ 1956 йилда бизнинг таклифни қабул қилишдан бош тортган эди, 1963 йилда эса АҚШ бу таклифни ҳатто бирмунча кенгайтирилган ҳолда — космик фазони илова қилиб қабул этди.

Ер ости ядро синовларига келганда, бу тўғридаги масала 1956 йилда пайдо бўлгани йўқ — ўша вақтда бундай синовлар ўтказилмас эди, бу масала эса, кейинроқ, АҚШ ер остида ядро қуроли синовларини ўтказишга киришганидан кейин пайдо бўлди. Ўз-ўзидан равшанки, шу вақтдан бошлаб Совет ҳукумати ер ости ядро синовларини ҳам тақиқлашни талаб қиладиган бўлиб қолди. Бироқ, бу хусусда шу вақтгача битимга келишга муваффақ бўлинмади, чунки Ғарб давлатлари ер ости ядро синовларини тақиқламоқ учун халқаро контроль деб аталган контролни ўрнатишни, аслини олганда, халқаро жосусликни амалга оширишни шарт қилиб қўйдилар, бундай контроль ўрнатиш социалистик давлатлар хавфсизлигининг манфаатларига дахл қилган бўлур эдики, Совет ҳукумати бунга рози бўлолмайди, албатта.

Мана шундай аҳвол вужудга келганлиги сабабли, Совет Иттифоқи, зотан умуман бутун жаҳон ҳам ё уч соҳадаги ядро қуроли синовларини тақиқлашни ёки тўхтовсиз ва чекланмаган синовлар пойгасини давом эттиришни танлаб олишга мажбур бўлиб қолди. Модомики, уч соҳадаги синовларни тақиқлаш тўғрисида битимга келишга ва шу тариқа бутун проблеманинг энг асосий қисмини ҳал этишга муваффақ бўлинган экан, бу нарса халқларнинг катта ютуғидир, тинчликсевар кучларнинг ғалабасидир, тинчлик сиёсатининг реал муваффақиятидир.

Ядро қуроли синовларини тақиқлаш масаласида Совет Иттифоқи ўтказаётган принципиал ва айни вақтда пишиқ ҳамда реалистик сиёсатнинг асосий поғонаси мана шу. Халқаро вазиятдаги ҳамма ўзгаришлар шароитида ҳам бу сиёсат фақат биргина Совет Иттифоқининг манфаатларига жавоб бериб қолмасдан, шу билан бирга, барча социалистик давлатларнинг, барча тинчликсевар давлатларнинг манфаатларига ҳам жавоб бериб келди, худди шунингдек бу сиёсат эришган натижа — атмосферада, космик фазода ва сув остида ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисида Шартнома тузилганлиги ҳам уларнинг энг ҳаётий манфаатларига жавоб беради.

Ядро синовларини тўхтатишга қарши бўлганлар орасига энди Хитой раҳбарлари ҳам кириб қолди, ядро синовларини тўхтатишга қарши чиқаётганлар, Совет ҳукумати синовларни тўхтатиш масаласини кисман ҳал қилишга рози бўлишни бундан бир-икки йил муқаддам лозим топмаган бўлса, эндиликда у ув соҳада синовларни тақиқлаш тўғрисида Шартнома тузишга рози бўлганлигидан қандайдир зиддиятлар қидириш ёрдами билан ҳам ўзларига сиёсий обрў орттира олмайдилар. Уч давлат вакилларининг Москвадаги музокаралари бошланмасдан бир-бир ярим ой олдин Совет ҳукумати ядро қуролининг ҳамма синовларини тўхтатиш тўғрисида Шартнома тузишни талаб қилишни давом эттириб келганлигига Хитой раҳбарлари ўзларини айниқса таажжубланган қилиб кўрсатмоқдалар. Лекин ақли расо бўлган ҳар бир сиёсатчига ва дипломатга равшандирки, ўз музокарадошлари билан музокара қилаётган ҳар бир томон музокараларда энг кўп натижага эришишни истайди. Бизмана шундай энг кўп натижага эришмоқ учун, яъни ер ости синовларини ҳам ўз ичига олган ҳолда ядро қуроли синовларининг ҳаммасини тўхтатиш учун курашиб келдик. Лекин ҳозирги босқичда бунга эришиш мумкин бўлмай қолди. Мана шу шароитда Совет Иттифоқи уч соҳада: атмосферада, космик фазода ва сув остида ядро синовларини тақиқлаш тўғрисида битимга келишга рози бўлди. Бу жаҳон жамоатчилигининг тилаги томон қўйилган қадам бўлди совет халкининг сиҳатсаломатлиги тўғрисидаги ғамхўрлик, бошқа ҳамма халқларнинг, шу жумладан хитой халкининг ҳам сиҳат-саломатлиги тўғрисидаги ғамхўрлик талаби билан қўйилган қадам бўлди. Ядро қуроли синовларини мана шу уч соҳада ўтказа беришнинг ўзи одамларнинг сиҳат-саломатлигига зарар етказади, ҳайвонот ва ўсимликлар оламини радиоактив моддалар билан заҳарлай беради. Ўз-ўзидан равшандирки, ядро қуролининг ер ости синовларини ҳам тақиқлаш учун қурашда куч ва ғайрат сарфлашдан Совет ҳукумати ҳозир ҳам воз кечаётгани йўқ.

Совет ҳукумати Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг эътиборини шундай бир оддий ҳақиқатга жалб қилиб ўтган эдики, ҳаёт бир жойда туравермайди фан ва техника барқ уриб ривожланмоқда, шу сабабли кечагина мақбул бўлмаган нарсалар бугун фойдали ва, ҳатто жуда фойдали бўлиб қолиши мумкин. Бунинг замирида катта аҳамиятга эга бўлган, СССРнинг мудофаа қобилиятини, барча социалистик мамлакатларнинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлида Совет ҳукумати ўтказаётган муҳим катта тадбирлар билан боғланган муайян моддий факторлар ётибди. Шу тадбирлар, шулар қаторида ядро қуролининг энг янги нусхаларини, шу жумладан жаҳонда мавжуд бўлган ядро қуролининг энг катталарини синовлардан ўтказилганлиги социалистик ҳамдўстликнинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш таъминлади. Бундан бўён ҳам ўзимизнинг мудофаа қувватимизни вазият талаб қилаётган ёки талаб қилиши мумкин бўлган керакли даражада сақлаб турмоқ учун ҳозир бизнинг қўлимизда барча зарур маълумотлар бор.

Биз бу тўғрида гапираётган эканмиз, буни биз лозим бўлган нарсаларни билиб туриб гапирмоқдамиз. Совет ҳукумати ядро қуроли билан ўн беш йилдан бери шуғулланиб келмоқда, бу соҳада масаланинг ҳамма томони бизга таниш. Дуруст, Хитой раҳбарлари ядро қуроли билан боғлиқ бўлган масалалар устида ўз мулоҳазаларини даъво қилиб бўлса керак, бизнинг бу гапимиздан шубҳаланишга уринмоқдалар. Лекин ядро қуроли билан кўпроқ ўзи эшитган нарсалар орқали таниш бўлган кимсалар бу хусусда гап юрита бошласалар, улар ўзларини истар-истамас ўнғайсиз аҳволга солиб қўйишлари мумкин, холос. Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, бу гаплар Хитой раҳбарларининг стратегик ядро қуроли тўғрисида, тактик ядро қуроли тўғрисида, атмосферада ядро синовларини давом эттиришга АҚШнинг эҳтиёжи борми ёки йўқми эканлиги тўғрисида ва бошқа шунга ўхшаш масалалар ҳақида енгилтаклик билан айтаётган фикрларига ҳам тааллуқлидир. Масаланинг моҳиятидан етарли равишда хабардор бўлмай туриб бу ҳақда гапириш бир оз қалтисроқ бўлади. Гап ядро қуроли тўғрисида сўзлаш ҳуқуқини кимдир биров ўзига монополия қилиб олишни ва бу ҳуқуқдан бошқаларни маҳрум этишни истаётганлигида эмас, балки гап бу масалада кимнинг айтган фикрлари салмоқдор бўлиб чиқиши, кимнинг айтган фикрлари эса қуруқ маҳмадоналик бўлиб қолишидадир.

1961—1962 йилларда ядро қуроли синовларини ўтказиб, олган конкрет натижаларимиз сингари нарсаларни, бизнинг арсеналимиздаги ядро зарядларининг калибрлари тўғрисидаги маълумотларни, Совет Иттифоқида етарли миқдорда мавжуд бўлган у ёки бу хил жанговар ядро воситаларининг нималарга ишлатилиши тўғрисидаги, бу воситалар қаерларда жойлаштирилганлиги тўғрисидаги ва бошқа шулар каби маълумотларни ҳозир биз эълон қилишимиз мумкин эмас, албатта. Бундай қилиш Совет Иттифоқининг ва барча социалистик давлатларнинг хавфсизлиги манфаатларига, шу жумладан Хитой Халқ Республикаси хавфсизлигининг манфаатларига ҳам зид иш қилиш бўлур эди.

(Давоми иккинчи бетда).

## БЕЛГРАДДА ТАНТАНАЛИ ЗИЁФАТ

*БЕЛГРАД, 22 август. ТАСС мухбирлари Д. БОЧАРОВ ва И. ТИТОВ хабар берадилар:*

*Кеча КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Никита Сергеевич Хрушчев рафиқаси билан Югославия Социалистик Федератив Республикасининг президенти, Югославия Коммунистлар Союзининг Бош секретари Иосип Броз Тито ва унинг рафиқаси шарафига Иттифоқ ижроия вечеси биносида тантанали зиёфат бердилар.*

*Совет томонидан зиёфатда КПСС Марказий Комитетининг секретари Ю. В. Андропов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Н. Г. Егоричев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Ленинград саноат области комитетининг биринчи секретари В. С. Толстиков, СССРнинг Югославиядаги элчиси А. М. Пузанов, СССР Ташқи ишлар министрлиги 5-Европа бўлимининг мудири С. Т. Аставин, совет элчихонасининг масъул ходимлари қатнашдилар.*

*Қабул маросимида Н. С. Хрушчев ва И. Броз Тито нутқ сўзладилар. Қабул маросими ўртоқларча самимий вазиятда ўтди.*

## ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

## «ЛЕНИНЧА ЖУМАЛИКЛАР»

Тошкент шаҳар партия комитети раҳбар партия, совет ва хўжалик ходимларининг кенг меҳнаткашлар оммаси билан алоқасини янада мустаҳкамлаш, ишчилар, хизматчилар, инженер-техник ходимларни сиёсий жиҳатдан тарбиялашни кучайт

# СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

(Боши биринчи бетда)

Модомики, хитой раҳбарлари, кейинги йилларда вазият ўзгаргани йўқ, аммо синовларни тўхтатиш масаласида СССРнинг сиёсатида гўё ўзгаришлар рўй берди, деган гапларни айтиш билан Совет Иттифоқини ядро қувватининг нисбатида кейинги йилларда рўй берган ўзгаришларни яққол кўрсатишга ва бунинг учун СССР мудофаасининг сирларини очиб ташлаш учун мажбур этишга уринаётган эканлар, биз бунга жавобан фақат бир нарсани айтишимиз мумкин: сизлар социалистик мамлакатларнинг мудофаасини мустаҳкамлаш тўғрисида гамхўрлик қилаётирмиз, деб оғиздагина гапираяпсиз, амалда эса, социалистик ҳамдўстлик хавфсизлигининг манфаатларини қадр қилмаётган, лекин империалистик реакция кучларига қўмаклашишга тайёр бўлиб турган кимсалар ролини бажараётирсиз. Баъзи давлатларнинг ҳарбий штаблари ва агрессив ҳарбий блокларнинг ҳарбий штаблари Совет Иттифоқининг ядро ва ракета қуроли тўғрисида энг ишончли маълумотни қўлга киритишни ҳамиша орзу қилаётганликларидан хитой раҳбарлари хабардор бўлмасликлари мумкин эмаску, ахир.

Совет Иттифоқида барча социалистик мамлакатларнинг мудофааси учун зарур бўлган қудратли ядро қуроли борлигига башарти Хитой ҳукумати бирор сабабга кўра ҳақиқатан шубҳаланаётган бўлса ва бу хусусдаги бизнинг тушунтиришларимиздан қаноатланмаган бўлса, бундай ҳолда у лоақал АҚШнинг раҳбар ҳарбий арбоблари томонидан Америка конгрессида бундан бир неча кунгина олдин айтилган гапларга, шу жумладан АҚШ штаблари бошлиқлари комитетининг баёнотига ўз эътиборини жалб қилиши мумкин эди. Шу баёнотларда ҳозирги вақтда Совет Иттифоқида бўлган ядро қувватини дангал эътироф қилувчи гаплар айтилган. Социалистик мамлакатларнинг у ёки бу хил мудофақиятларини эътироф этишга турмушнинг ўзи империалистларни мажбур этгандагина улар буни эътироф қиладиларки, агар айниқса шу нарса ҳам ҳисобга олинганида, мазкур гаплар жуда кўп нарсани билдиради.

Ядро қуроли синовларини тақиқлаш масаласидаги Совет ҳукуматининг позицияси тўғрисида айтадиган гапимиз шу. Бу — тўппатўғри ва ҳалол позициядир, бошқа социалистик мамлакатлар, барча тинчликсевар давлатлар ва халқлар бу позицияни тўла равишда тушуниб қувватлаётганлигини ҳам зўр мамнуният билан қайд қилмоқдамиз. Позициямизнинг кучи шундаки, у қаётий позициядир, бу позиция халқларнинг тўб манфаатларига тўла равишда мос бўлиб тушмоқда, бу позиция реалистик позициядир, кейинги йилларда рўй берган ва ҳозир жаҳон миқёсида рўй бераётган ўзгаришларни ҳисобга олаётган позициядир.

Афсуслариб шуни айтишга тўғри келадики, бугунги дунёнинг қиёфасини белгилаб бераётган ўзгаришларни Пекингилар тушуниб олиш ўёқда турсин, ҳатто қотиб қолган догмаларга сиёсатда оғишмай амал қилишни, ўлик ҳарфни реалликнинг жонли сўзига қарама-қарши қилиб қўйишни давлатшунослик санъатининг чўқиси деб ҳам ҳисобламоқдалар. Хитой раҳбарларининг, жумладан ядро қуроли синовларини тақиқлаш масаласидаги сиёсатида бўлган асосий иллат мана шундадир.

Совет Иттифоқи Хитойга атом қуроли нусхаларини етказиб бермаганлиги учун Хитой раҳбарларининг ундан ниҳоятда хафа бўлганликлари Хитой Халқ Республикаси ҳукумати вакилининг 15 августдаги баёнотидан кўриниб турибди. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар томонидан ўтказиб келинаётган ядро қуролини ёймаслик сиёсати айни алам қилганлиги учун ХХР раҳбарлари СССРнинг халқаро кескинликни камайтиришга ва тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган ташқи сиёсий тадбирларига ҳужум қилаётганга ва айниқса ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисидаги шартномага ҳуруж қилаётганга ўхшайдилар.

Ядро қуролини ёймаслик тинчлик манфаатларига, барча социалистик мамлакатларнинг манфаатларига, шу жумладан Хитой Халқ Республикаси манфаатларига ҳам мос бўлиб тушади, деб ХХР ҳукуматини ишонтириш учун Совет ҳукумати ҳозиргача неча марталаб чоралар кўрди. Тарихан шундай бўлиб қолдики, социалистик мамлакатлар орасида ёлғиз Совет Иттифоқигина ядро қуроли ишлаб чиқармоқда. Ўзининг ядро қудрати жаҳон социалистик ҳамдўстлиги манфаатларини, ўз социал ва миллий озодлиги учун курашаётган халқларнинг манфаатларини маҳкам қўриқлаб турганлигини Совет Иттифоқи ўзининг олиб борган бутун ташқи сиёсати билан исботлади. Албатта, социалистик лагерга бир бутун яхлит деб қараладиган бўлса, ядро давлатлари ўртасида социалистик мамлакатларнинг сони битта бўладими ёки кўпроқ бўладими, бу нарса социалистик лагернинг мудофаа қобилиятига муҳим ўзгартиш киритмайди. Бироқ ҳар бир янги капиталистик давлат ядро қуролига эга бўлган сайин ядро урушининг хавфи ҳам орта беради. Ядро қуролига эга бўлган социалистик давлатларнинг сони кўпая бериб империалистик лагерда ядро қуролига эга бўлган давлатларнинг сони ўзгармасдан қола бериши эса мумкин бўлмаган нарса ва ўз мўлжалларини шу асосга қуриш таг-замнисиз бир иш бўлур эди.

Ғарбда бир хил сиёсатни ўтказиб, Шарқда бошқа бир хил сиёсатни ўтказиш мумкин деб, бир ёқда Ғарбий Германиянинг ядро қуроли билан қуролланишига қарши, жаҳонда ядро қуролининг ёйилишига қарши кураш олиб бориб, иккинчи ёқда шу қуролни Хитойга топшириш мумкин, деб ўйлаш ҳеч бўлмаганда соддадиллик бўлур эди.

Йўқ, бундай қилиш турмушдан ажралиб қолган нореалистик сиёсат бўлур эди. Агарда социалистик мамлакатлар Хитой раҳбарлари ўзларини зўр бериб итараётган ана шу йўлдан борадиган бўлсалар, у ҳолда ядро қуролига эга бўлган ғарб давлатлари бунга жавобан шак-шубҳасиз ҳудди шундай чораларни кўрган бўлур эдилар, чунки бир қанча капиталистик давлатларда ядро қуроли ишлаб чиқариш учун иқтисодий, техникавий ва бошқа имкониятлар мавжуд. Ана шу ядро аслаҳахонаси бутунича агрессив НАТО, СЕНТО, СЕАТО ҳарбий блокларининг умумий қозонига ташланган ва социалистик мамлакатларнинг ядро аслаҳахонасига қарама-қарши қилиб қўйилган бўлур эди. Ўзи яшаб турган уйга ядро қуролини киргизиб олиш ҳирси кўзини ҳиралаштириб турган кишиларгина буни кўрмасликлари ва тушунмасликлари мумкин.

Совет Иттифоқининг ядро қуролининг ёйилишини тақиқловчи халқаро битим тузилишига эришиш йўлидаги куч-ғайратлари Совет Иттифоқининг ўзи бу масалада принципиал позицияда турганлиги учун ҳам бутун дунёда кенг маъқуллаб ва қувватлаб қутиб олинмоқда. Агарда Совет Иттифоқи ўзининг ядро қудратига таяниб ядро қуролининг ёйилишига қарши изчиллик ва қатъият билан курaш олиб бормаганида эди, Ғарбдаги милитаристик кучлар ва, аввало, ядро қуролини қўлга олишга жонжаҳди билан интилаётган ғарбий герман реваншистлари ҳозирги кунда ўз мақсадларига ҳақиқатда бўлганига қараганда анча яқинлашиб қолган бўлур эдилар.

Биз АҚШ ҳукуматининг ва ғарбдаги бошқа давлатларнинг сиёсатини танқид қилиб келдик ва танқид қиляпмиз, чунки бу сиёсат Ғарбий Германиянинг ҳеч бўлмаганда НАТОдаги бошқа мамлакатлар билан иттифоқчиликда ядро билан қуролланиб олиш учун эшикни очиб қўймоқда. Совет ҳукумати «НАТОнинг кўпчиликда ядро қуроли»ни барпо қилиш планларига қатъиян қарши чиқиб, ана шу планларни сўзсиз қоралади ҳамда бу планларни амалга оширишнинг хатарли томонини халқларнинг кўзига кўрсатиб қўйиш учун ташқи сиёсат соҳасида тегишли чоралар кўрди. Бу ишни ХХР ҳукумати эмас, балки Совет Иттифоқи ҳукумати қилди. Ғарбий Германия ўзининг ядро қуролини яратиб юргандан кўра, Ғарбий Германиянинг НАТО контроли остида, ана шу ҳарбий блок бирлашган ядро кучлари доирасида ядро қуролини ишлаб туриш имкониятига эга бўлгани маъқулроқ, деб НАТО давлатлари ёқлаб келаётган сохта концепцияни Совет ҳукумати фош қилиб келди ва бундан буён ҳам фош қила беради. Совет ҳукумати масалани бошқа тарзда қўймоқда: Ғарбий Германияга қандайгина шаклда бўлмасин, унинг ядро билан қуролланишига йўл қўймаслик керак, чунки реваншчилик Европада вужудга келган давлат чегараларини қайта қараб чиқиш мақсадларини ўз ташқи сиёсатида асос қилиб олган давлатнинг бу қуролга яқин йўлатилиши янги жаҳон уруши таҳдидини анча кучайтириб юборган бўлур эди. Шу сабабли Совет ҳукумати ядро қуролини Ғарбий Германияга ҳеч қандай шаклда топширишни кўзда тутувчи шу қуролни ёйиш сиёсати — тинчлик учун катта хавф-хатар солиш билан таҳдид туғдираётган ниқоятда хато сиёсат эканлигига ғарб давлатларини ҳам ишонтириш учун ўз куч-ғайратларини бўшаштирмайди.

Бутун дунёдан ўзларини алла қандай пардалар билан ажратиб олган Хитой раҳбарлари бу тўғрида ҳеч нарса билмайдилар, эшитмаганлар деб ўйлаш мумкин. Ахир улар ўз баёнотларида газета ўқиётган ёки радио эшитаётган ҳар бир кишига яхши маълум бўлган фактларга хилоф равишда, Совет Иттифоқи ғарбий герман милитаристларининг ядро қуролини қўлга олишларига астойдил қарши чиқмаяпти, деб даъво қилаяптилар-ку. Бунга фақат туҳмат, деб баҳо беришдан бошқа илож йўқ.

ХХР ҳукуматининг 15 августдаги баёнотида ҳам кўрсатиб ўтилган позициясини фақат шу маънода тушуниш мумкинки, капиталистик мамлакатлар ўртасида ядро қуролининг ёйилиши қай тахлитда боради, бунинг Хитой раҳбарлари учун аҳамияти йўқ, фақат ХХР раҳбарлари ядро бомбаси деган нарса нима эканлигини қўл билан ушлаб кўриш имкониятига эга бўлсалар кифоя.

Шуни эътироф этмоқ керакки, ўз иқтисодий тараққиётининг муайян погонасида турганлиги, муайян иқтисодий потенциалига эга бўлганлиги важидан ХХР ҳозирча кўплаб миқдорда ядро қуроли ишлаб чиқариш учун тайёрланган эмас. ХХР 2-3 та бомба тайёрлаганида ҳам, бу билан барибир ўзи учун масалани ҳал қилиб олмаган бўлур, лекин ХХР экономикасини ниҳоятда қақшатиб қўйган бўлур эди. Ядро қуролини кенг миқёсларда, замонавий ҳарбий техникага, ҳозирги замоннинг мудофаа эҳтиёжларига мос келадиган даражада ишлаб чиқариш мамлакатга, халққа нақадар қиммат тушажагини биз ўз тажрибамиздан биламиз. Аммо биз ана шундай қуролга эга бўлган империалистик лагерга қарама-қарши туриш учун шу ишни қилишга мажбур бўлдик. Хитой Халқ Республикаси эса ҳозирги вақтда Совет халқининг меҳнати билан барпо қилинган ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг мудофааси мақсадларига муотаҳкам хизмат қилаётган ҳимоя воситаларига таяниши мумкин. Шу сабабли ҳозирги шароитда — албатта, ўз интилишларини ўз имкониятларига таққослаб кўрадиган бўлса, — ўз куч-ғайратларини экономикани, фанни, техникани, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бағишлаб, буларни Хитой халқининг фаровонлигини ошириш, унинг асосий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилдириш — ХХР учун энг оқилона сиёсат бўлур эди. Хитой халқи эса кўп муҳтожликларни бошдан кечирмоқда ва шу сабабдан Хитой раҳбарларининг сиёсатда ана шундай йўл тутиши Хитой халқига кўпроқ фойда етказган, Хитой халқи буни кўпроқ қадрлаган ва бу нарса бутун дунёда тўғри тушунилган бўлур эди.

Фараз қилайлик, ХХР ўз экономикасига ортиқча зўр бериш йўли билан охири бир неча атом бомбаси яратишга муваффақ бўлсин, хўш, у ҳолда империалистлар ХХР га ана шундай бомбалардан нечтасини тўғрилаб қўйиши мумкин? Хитой раҳбарлари ҳатто ўз атом бомбаси устида ўтирганлари тақдирда ҳам ўзларини осойиштароқ хис эта олармикинлар? Бордию Ғарбда янги уруш хавфи кучайиб кетадиган бўлса, капиталистик мамлакатлар ўртасида ядро қуроли янада ёйила берган тақдирда эса шундай бўлиши муқаррардир, у ҳолда Хитойнинг ўзини ҳозиргига нисбатан анча хавфсизроқ ҳис қилиши амри маҳол.

Ғарбда бўлаётган воқеалар билан, Шарқда таркиб топаётган ишларнинг ўртасига ҳаёлан, лекин фақат ҳаёлан ҳар қандай баландликда ва ҳар қандай қалинликда девор тиклаб қўйиш мумкин. Реал турмушда эса бундай девор йўқ. Бу фикр биринчи жаҳон урушига қадароқ тўғри эди, иккала жаҳон урушининг тажрибаси бу фикрни тасдиқлади, фан ва техниканинг тараққиёти туфайли ер шаридаги масофалар тобора кўпроқ қисқариб бораётган бизнинг давримизда эса бу фикр тағин ҳам равшанроқ бўлиб қолди. Агарда катта ёки кичик бирон мамлакатнинг раҳбарлари халқаро вазият аслида қандай бўлса, ўни шу тахлитда кўришни истамасалар, балки ўз сиёсатларида ўз уйимизда бўлаётган нарсаларгина биз учун ҳамияти ва жаҳоннинг бошқа районларида бўлаётган нарсаларнинг аҳамияти йўқ, деган фикрга асосланасалар, бундай фикр юритишдан чекланган вилоятчиликнинг, схоластиканинг ҳиди келиб туради. Бундай қарашлар авантюристик бўлганлиги учун турмушда фақат хатарлидир.

Хитой раҳбарлари Совет Иттифоқи ядро қуролига эга бўлганлиги, ХХР эса бундай қуролга эга бўлмаганлиги учун Совет Иттифоқини ҳар хил йўллар билан ҳақорат қилмоқдалар. ХХР раҳбарлари қўлларини кўкракларига қўйиб, СССРнинг ядро қуроли бўлмаса, мана шу ўтган барча йиллар мобайнида ҳамма социалистик мамлакатларнинг манфаатларига хизмат қилиб келган ана шу куч бўлмаса, Совет Иттифоқи ўтказиб келган ва ўтказаётган тинчлик сиёсати ва аггрессия кучларини жиловлаб туриш сиёсати бўлмаса, Хитой ҳозирги кунда хўжалик ва давлат қурилиши соҳасидаги ўзининг ички вазифаларини ҳал қилиш билан хотиржам шуғулланаолармиди, деб айта олармикинлар? Йўқ, ХХР раҳбарлари иқрор бўлиб шуни айтишлари керак эдики, Совет Иттифоқининг ва бутун социалистик ҳамдўстликнинг қудрати Хитойнинг ташқи хавфсизлигини муҳофаза қилиб турганлиги учунгина, улар ядро синовларини тақиқлаш тўғрисидаги шартномага қарши қаратилган гапларини айтиб ва Совет Иттифоқи ҳамда КПСС шаънига дағал хуружлар қилиб, ҳатто қуюшқондан чиқишгача етиб бордилар.

Ҳақиқатда ҳам ўзларининг «империалистик агрессияга қарши, ўз хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун курашда ҳар қандай социалистик мамлакат аввало ўзининг мудофаа қобилиятига ва шундан кейингина қардош мамлакатлар ва жаҳон халқлари томонидан бериладиган мадад ва ёрдамга таянади», деган даъволари аслида қанчалик қимматга эга эканлигини уларнинг билмасликлари мумкин эмас-ку. Ҳар бир социалистик мамлакат бутун социалистик ҳамдўстликнинг хавфсизлигини таъминлашдан иборат умумий ишга ўз ҳиссасини қўшади ва шу мамлакатлардан ҳар бирининг ўз бурчини адо этиши бу жиҳатдан ҳар қанча ҳурматга сазсвордир, деган гап тўғри, албатта. Лекин ядро қуроли мавжуд бўлган асрда бирон социалистик мамлакатнинг ўз мудофаасини таъминлашда фақат ўз кучларига таянишга уриниши ҳалокатли хато бўлиши мумкин, бунинг устига ҳамма мамлакатларнинг ҳам ўз кучлари етарли бўлавермайди. Барча социалистик мамлакатлар, шу жумладан Хитой Халқ Республикаси, ғарчи унинг раҳбарлари аксини исботлашга уринаётган бўлсалар ҳам ўз мудофаасини Совет Иттифоқининг ядро қудратини кўзда тутиб ташкил этмоқда. Совет Иттифоқининг ядро қудрати Ғарб давлатларидаги агрессив доираларни жиловлаб турибди.

Хитой раҳбарлари гўё Совет Иттифоқи фақат ўз омонлигини кўзламоқда ва ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисида Шартнома тузиш билан «бир дақиқалик тинчини ўйлаб, одамларни бир умр азоб-уқубатга гирифтор этмоқда», деб даъво қилмоқдалар.

Агарда ХХР ҳукумати баёнотининг авторлари «осойишталик» деганда урушнинг йўқлигини кўзда тутаётган бўлсалар, биз ҳақиқатан ҳам ҳамиша ана шундай осойишталикни ёқлаб келдик, ёқлаяпмиз ва ёқлай берамиз. Бизга урушнинг кераги йўқ, урушнинг ҳамма социалистик мамлакатларга, ҳамма халқларга ҳам кераги йўқ. Лекин мабодо Хитой раҳбарлари Совет Иттифоқининг тинчлик ишини бундан буён ҳам қаттиқ туриб ҳимоя қилиш, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг хавфсизлигини авайлаб сақлаш йўлидаги қатъиятини шубха остида қолдирмоқчи бўлсалар, улар бунга муваффақ бўла олмайдилар. Мазкур баёнот авторларининг нияти ана шундай эканлигини ҳамма нарса кўрсатиб турибди.

Шу нарсани халқларнинг хотирасидан ўчириб бўлмайдики, агрессив доиралар жаҳонни уруш ёқасига келтириб қўйган энг танг пайтларда, географик жиҳатдан биздан олис ёки яқин бўлган, кичик ёки катта мамлакатнинг бошига қилич кўтарган агрессорнинг қўлини қайтариш учун Совет Иттифоқи ўзининг бутун халқаро обрўсини, ўзининг ҳарбий қудратини сира иккиланмай, ўртага солди. Сувайш танглиги даврида ҳудди шундай бўлди, 1958 йилда Сурия билан Ироқ теварагидаги воқеалар даврида ҳудди шундай бўлди. Тайван бўғозида кескинлик бирдан кучайиб кетган даврда ҳудди шундай бўлди. Буни Хитой раҳбарлари, Хитой халқи унутиб қўйишлари мумкин эмас. Кариб денгизи районидаги танглик вақтида ҳам ҳудди шундай бўлди, ўша пайтда Совет Иттифоқи ўзининг ракета ядро қудрати билан революцион Кубага қалқон бўлди. Эҳтимол Хитой раҳбарлари буларнинг ҳаммасини «осойишталик» дақиқалари деб ҳисоблаётгандирлар. Лекин шуни дангал айтиш мумкинки, бу фикрга уларнинг ўзларидан бўлак ҳеч ким қўшилмайди. Совет ҳукуматининг ана шу тадбирларида ҳам Пекиндагилар мулоҳаза юритишни яхши кўрадиган ҳамда бақироқ шиорлар ва қоғоз резолюциялардан бўлак ҳеч нарсани бўлмаган интернационализм эмас, балки чинакам пролетар интернационализми ўз ифодасини топди.

Яна бир иш тўғрисида индамасдан туриб бўлмайди: ХХР ҳукумати ўзининг иттифоқчилик бурчига эътиборсизлик билан қараб, социалистик мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг бир-бирига ишониш характерини суиистеъмол қилиб, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг мудофааси соҳасига даҳлдор бўлган ёпиқ ҳужжатлар ва маълумотларни эълон қилиш йўлига кириб олди, шу билан бирга фактларни ғаразгўйлик билан бузиб кўрсатмоқда. Албатта, Совет ҳукумати социалистик мамлакатларнинг мудофаасига таалуқли бўлган маълумотларни очиб қўйишдан иборат ҳудди ана шу йўлга тушиб олишгача тубан кетмайди. Совет ҳукумати шуни айтиб қўйишга мажбурки, ХХР ҳукуматининг ана шундай ҳаракатларидан кейин унинг ваъдалари самимийлигига бирон кишининг ишониши ва унга мудофаа аҳамиятига эга бўлган маълумотларни ишониб бериши қийин гап. Табиийки, Совет ҳукумати бу хусусда ўз хулосаларини чиқариб олади.

Нақ бўлмаса бутун дунё халқлари номидан, шу жумладан, совет халқи, бошқа социалистик мамлакатларнинг халқлари, шунингдек, Осиё, Африка, Латин Америкасидаги ёш миллий давлатлар халқлари номидан гапириш тенденцияси Хитой раҳбарларининг баёнотида тобора яққол бўртиб кўринмоқда. Лекин совет кишилари ғазабланиб шундай савол бермоқдаларки, бизнинг манфаатларимизга нима маъқул бўлади-ю, нима маъқул бўлмаслигини биз учун, Совет ҳукумати учун, бизнинг Коммунистик партиямиз учун белгилаш ҳуқуқини Хитой раҳбарларига ким бериб қўйибди? Биз сизларга бундай ҳуқуқни берган эмасмиз ва бериш ниятида ҳам эмасмиз.

Бошқа социалистик мамлакатларнинг халқлари номидан гапириш ҳуқуқини ХХР раҳбарларига ким бериб қўйди? Эҳтимол улар ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида поляклар, немислар, чехословаклар, руминлар, болгарлар, венгерлар, югославлар ва монголларнинг фикрини сўраб, ўз баёнотларини ана шу фикр асосида тузаётгандирлар? Йўқ, улар бу мамлакатлардаги халқларнинг фикрини сўраган эмаслар. Улар миямизга нима келса, шуни гапириб, Пекиннинг овозини Варшава, Берлин, Улан-Батор ёки бошқа социалистик мамлакатлар пойтахтларининг овози қилиб кўрсатишимиз мумкин, деб ҳисоблаяптилар, холос.

ХХР раҳбарларининг бошқа социалистик мамлакатларнинг ҳақиқий манфаатларига қандай мосбатда бўлаётганликларини ақалли уларнинг мана шу даъвосидан ҳам кўриш мумкинки, гўё синовларни тақиқлаш тўғрисидаги шартномани тузиш вақтида Германия Демократик Республикасининг халқаро статуси «қурбон берилган» эмиш. Шартноманинг дастлабки қатнашчилари уни имзолаши биланоқ Германия Демократик Республикаси биринчилар қатори ана шу Шартнома остига ўз имзосини чеканлигидан эҳтимол ХХР раҳбарларининг хабари йўқдир? Лекин шу нарса кўриниб турибдики, Германия Демократик Республикасининг ядро синовларини тақиқлаш тўғрисидаги шартномада қатнашиши қандай аҳамиятга эга эканлигини баҳолаш масаласида ҳам ХХР раҳбарлари ҳамма нарсани ўз газлари билан ўлчаб Германия Демократик Республикасидагиларга нисбатан, Германия Демократик Республикасининг ҳукуматига нисбатан Хитойдагилар кўпроқ биладилар, деб ҳисобламоқдалар.

ХХР раҳбарлари гарчи буни ошкора айтмасалар ҳам, лекин ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисидаги Шартнома хусусида ХХР ҳукумати эълон қилган ҳар иккала баёнотнинг бутун мазмуни шундан иборатки, атмосферада ядро қуроли синовларини тўхтатиш эмас, балки давом эттириш, шундай синовларни космик фазода ва сув остида ўтказиш халқларнинг манфаатларига, тинчлик манфаатларига мос бўлиб тушар эмиш. Лекин шундай савол бериш жоизки, радиоактив ҳаводан нафас олишга, радиация билан заҳарланган маҳсулотларни овқатда истеъмол қилишга тайёр турганлигини қаерда, қачон ва қайси халқ эълон қилди? Бундай гаплардан бизнинг хабаримиз йўқ, Хитой халқи ҳам: ҳа, майли ядро қуроли синовлари бундан кейин ҳам давом эта берсин, биз эса радиоактив ажратмалар қонимизни заҳарлашига, суягимизга сингиб кетишига, ўзимизга, болаларимизга, ирсиёт тариқасида эса авлодларимизга ҳам давосиз касалликлар олиб келишига розимиз, деганидан бизнинг хабаримиз йўқ. Хитой халқи шу хилдаги гапни айтганини биз эшитган эмасмиз.

Ҳатто инсониятнинг ярми ҳалок бўлса ҳам, 300 миллион хитой ҳалок бўлса ҳам майли, бунинг зарари йўқ, лекин империализм ер юзидан супуриб ташланади ва омон қолган кишилар унинг ҳаробалари устида тез суръатлар билан минг марта юксакроқ цивилизацияни барпо қилишлари мумкин, деб термоядро урушига нисбатан берилган ана шундай установкани эшитган вақтда биронта ҳам ленинчи коммунист табиий равишда жиркенмасдан ва ҳатто ҳамда ҳайрат ва ҳаяжонсиз ҳеч ким ҳеч нарсани ўйлаб ҳеч ким ҳеч нарсани ўйлаб ҳеч ким ҳеч нарсани ўйлаб

# БЕҒАМ БЎЛМАНГ, ҲОСИЛНИ ЙЎҚОТАСИЗ

## ХИРМОН БАРАКАЛИ БЎЛАДИ

75 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун астойдил меҳнат қилаётган Абдунаби Аҳмедов бошлиқ бригада аъзолари далаларда баракали ҳосил тўплаяптилар. Ҳозир бригаданинг ҳар туп ғўзасида 13-14 тадан тўлиқ ва етилган кўсак, 8-9 тадан гулшона бор.

Бригадада ғўзани суғориш, культивация қилиш уюшқоқлик билан олиб борилаяпти. Чекланка барвақт сифатли тугалланди.

— Пахта йиғим-теримига ҳам эътибор кучайтириляпти,— дейди бригада бошлиғи А. Аҳмедов,— машина теримига ажратилган карталар ёввойи ўтлардан тозаланиб, теримга пухта шайлаб қўйиляпти. Бригада хирмони асфальт қилинди. Йўл ва кўприклар тузатилди.

Ҳа, бригадирнинг айтганича бор. Пахтакорлар ғўза парваришини сусайтирмаган ҳолда теримга пухта ҳозирлик кўришяпти.

Э. ИЎЛДОШЕВ.

Янгийўл. Ленин номли колхоз.



## ТЕРИМ ЯҚИН, ШАЙМИСИЗ?

Зийнатли сепини ёйиб олтин куз келаяпти. Ҳамманинг диққат-эътибори, умиди далада — пахта майдонида. Эрта баҳордан бери кечани-кеча, кундузни-кундуз демай пешона терини тўкиб, фидокорона меҳнат қилган деҳқоннинг ҳосили бугун-эрта тарозига қўйилади. Тўқимачилик саноатининг бебаҳо хомашёси тайёрлаш пунктларига томон оқабошлайдиган кунлар яқин. Янги ҳосилни қабул қилиб олиш учун барча тадбирлар кўрилганми, завод ва тайёрлаш пунктлари мавсумга тахтми?

Ҳар йили йиғим-теримга киришиш арафасида пахтачилик ва луб саноати ходимлари ўз кенгашларига тўпланадилар. Улар куни кеча пойтахтдаги «Қизил тонг» тикувчилик фабрикаси маданият саройи биносига йиғилиб, янги мавсумга тайёргарликнинг қандай бораётганлигини қизғин муҳокама қилишди.

Кенгаш иштирокчилари область пахта-луб тайёрлаш трести бошқарувчиси Ўртоқ С. Нишонбоевнинг «1962 йил ва шу йилнинг ўтган етти ойлик якунлари ҳамда навбатдаги вазифалар тўғрисида»ги докладини тингладилар.

Докладда кўрсатиб ўтилганидек, ўтган йили ва шу йилнинг етти ойи ичида пахта-луб саноати корхоналари кўпгина ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича белгиланган планни муваффақиятли бажарганлар. Ялпи маҳсулот тайёрлаш топшириғи ортиғи билан адо этилган.

Шу йилнинг етти ойи ичида трест бўйича планга қўшимча 1430 минг сўмлик ялпи маҳсулот тайёрланди. Лекин, деб давом этди докладчи, эришилган бу кўрсаткичлар билан қаноатланиб қололмаймиз. Айниқса, маҳсулот таннархини камайтириш бўйича 1963 йилнинг биринчи ярмида белгиланган топшириқ бажарилмаганлиги кечирилмас ҳолдир. Тошкент заводидан ташқари биронта ҳам пахта тозалаш корхонаси маҳсулот таннархини камайтириш бўйича белгиланган планни бажармади. Фақатгина шунинг учун трест бўйича маҳсулот белгиланганидан 534 минг сўмга қиймматлашиб кетди. Айниқса бу соҳада Пискент, Оққўрғон, Чиноз, Бўка пахта тозалаш заводларида катта камчиликлар содир бўлди.

Айрим корхоналарда маҳсулот сифатининг пастлиги тўқимачиларимизнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Шу йилнинг олти ойи ичидагина пахта толасининг сифати ёмонлиги учун 84 та рекламация келганлиги фикримизнинг далилидир. Бўка, Далварзин, Алимкент, Оққўрғон пахта заводларига айниқса кўп рекламация келди.

Бу йил олдимизда катта вазифалар турибди. Ватанимизнинг улкан пахта хирмони пахта саноати ходимлари қўлига топшириб қўйилади. Шу боисдан янги мавсумга пухта тайёргарлик кўришимиз, қимматли «оқ олтин»имизнинг бир граммини ҳам нес-нобуд қилмасдан қайта ишлаб бермоғимиз лозим.

Эрта-индин тайёрлаш пунктларида долзарб кунлар бошланади. «Оқ олтин»дан тоғ яратамиз. Шу сабабли барча тайёрлов тармоқлари, ишлаб чиқариш бошқармалари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари мавсумга тайёргарлик натижасида тугалланмай қолган ишларни ниҳоясига етказиш тадбирларини кўришлари лозим. Трестга қарашли пахта тозалаш заводлари ва тайёрлов пунктларида янги ҳосилни қабул қилиш учун катта ишлар қилинди. Заводлар тўла капитал ремонтдан чиқарилди, қуритиш-тозалаш цехларининг ремонти туғалланди. Барча тайёрлов пунктлари янги мавсумга тахт десак бўлади. Пахтани сақлаш учун 65 та янги майдон қурилди, 712 та эски майдон ремонт қилинди. Тош-тарозуларни тайёрлаш, лаборатория асбоб-ускуналарини ўрнатиш, колхозларга этаклар сотиш ишлари асосан туғалланди.

Пахтани қоп-қанорсиз ташишга бу йил кўп эътибор берилади. Колхоз ва совхозлардан тайёрлаш пунктларига барча ҳосилнинг камида 95 процентини, пунктлардан пахта заводларига эса 25 процентини қоп-қанорсиз ташиш мўлжалланмоқда.

Алимкент пахта тозалаш заводи директори Ўртоқ Р. Жамбоев музокараларда биринчи бўлиб сўз олади.

— Корхонамиз коллективи, — дейди у,— ўтган ярим йиллик планни муваффақиятли адо этди. Бир қанча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича топширикни орттириб бажардик. Алибоев, Қосимов ўртоқлар бошлиқ коммунистик меҳнат бригадалари аъзолари ўз участкаларини корхонада биринчи бўлиб янги ҳосилни қабул қилишга тайёрлаб қўйдилар. Қишки цех сифатли ремонтдан чиқарилди. Ўртоқ Жамбоев заводни тажрибали кадрлар, зарур механизация воситалари билан ўз вақтида таъминламаётгани учун трестни танқид қилади.— Икки йилдан бери транспортёр учун запас қисмлар ололмай доғдамиз,— дейди у.

— Биринчи сентябрдан бошлаб кўпгина хўжаликларда теримга тушилади,— деди Янгийўл пахта заводига қарашли Тельман номли тайёрлаш пункти мудири Ўртоқ Шамсиев.— Биз бу кунга пухта тараддуд билан келдик. 12 та янги асфальтланган қуритиш майдонини тахт қилиб қўйдик. 5 та транспортёр тўла ремонтдан чиқарилди. Бу йил ҳосилнинг кўп қисмини қоп-қанорсиз ташиб оламиз.

Тошкент каноп фабрикаси директори Ўртоқ П. Харитонов Қўрғонча, Жумабозор жут-каноп заводларини сифатсиз тола етказиб бераётганликлари учун қаттиқ танқид қилди.

—Ўтган икки йил ичидагина,— деди у,— маҳсулот сифати 30—40 процент пасайиб кетди. Бизнингча, бунинг икки сабаби бор. Биринчидан, каноп пишмасдан ўриб олинмоқда. Етилмаган каноп бўш, камқувват бўлади. Иккинчидан, заводларда технология режимига қатъий риоя қилинмаётир. Хомашё узоқ вақт ҳўл ҳолда сақланади.

Тошовул луб заводи директори Ўртоқ И. Мартизнов, Ново-Михайловск каноп заводи директори Ўртоқ Н. Крапоткина Ўртоқлар сўзга чиқиб, ўз корхоналарининг мавсумга тайёрғарликлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Кенгашда Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши пахтачилик саноати бошқармасининг бошлиғи Ф. Хўжаев ва қишлоқ область ижроия комитети раиси Э. Шайхов Ўртоқлар нутқ сўзладилар. Кенгашда қишлоқ область партия комитетининг секретари Ўртоқ П. Костриков иштирок этди.

Ж. НОСИРОВ.

## ОИЛА—БРИГАДА

**Суратда чапдан учинчи ўринда турган басавлат йигитни кўриб турипсизми? Унинг шуҳрати биргина Охунбобоев номли колхозгагина эмас, бутун Янгийўлга тарқалган. Мирзакарим бутун онла аъзоларини оёққа кўтарди. Пахтадан мўл ҳосил етиштиришга чақирди. Онла аъзолари ҳам бу йигитнинг ғайратини сўндиришмади. Ташаббусини қувватлашди. Шундай қилиб колхозда Мирзакарим Мадумаров бошчилигида 11 кишидан иборат янги бригада тузилди. Ҳа, бригада бир онла аъзосидан иборат бўлди. Бригада аъзолари ёш, қари бўлишларига қарамай бир ёқадан бош чиқаришиб ишлашди. Мирзакаримнинг ўзи чигит экди, ғўзани культивация қилди, дорилади. Онланинг бошқа аъзолари ғўзани суғоришда, ўтдан тозалашда, озиқлантиришда ғайрат қилишди. Натижада ҳар бир иш меёрида бўлди. Ғўза тупларининг белгиланган қалинликда бўлишига эришилди. Мана, бир онланинг йил бўйи қилган меҳнати дастлабки натижасини берди. Ҳар туп ғўза сершох бўлди. Олди картадаги ғўза шохлари 16 тага етди. Уларни санаймиз. Ҳар бир шохда ҳозирнинг ўзида 12, 13 тадан бўлиқ кўсак бор. Ҳосилсиз шох йўқ.**

**— Шу кунлардаги меҳнатимизнинг,— дейди бригада аъзолари,— мевасини октябрда кўрамиз. Ҳозирги гул, октябрнинг пахтасидир.**

**Бригада аъзолари Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг ҳосил тўплашни тўхтовсиз давом эттириш кераклиги ҳақидаги чақириғига лаббай деб жавоб беришди. Уларнинг ҳаммаси далада ишлашяпти. Ғўзаларни шамоллатиб, кўсакларни тезроқ етилтиришга ҳаракат қилишмоқда. Эгилган ғўзаларнинг қадди ростлаб қўйилаяти. Қўйингчи, бригаданинг ҳамма аъзоси далада. Мўл ҳосил етиштириш учун нима керак бўлса, ўшани қилишаяпти.**

**— Биз,— дейди бригада бошлиғи,— аввал ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил етиштиришга ваъда бергандик. Энди ғўзаларимизнинг аҳволи яхши. Меҳнат қилган сари ҳосилимиз кўпаяяпти. Шу туфайли 30 эмас, 45 центнердан «оқ олтин» топширишга аҳд қилдик. Сўзсиз ваъдамизнинг уддасидан чиқамиз.**

**Суратда: ўртоқ Мирзақарим Мадумаров (чапдан учинчи) бошлиқ бригаданинг азамат пахтакорлари.**

**А. Абалян фотоси.**

## ПУНКТ ТАЙЁР

**Эски Тошкент қишлоғидаги пахта тайёрлаш пункти янги ҳосилни қабул қилишга ҳар томонлама тайёргарлик кўрмоқда. Бу ерда қисқа вақт ичида пахтани бунд қиладиган 7 минг кубометр жойга супа қилинди. Бундан ташқари янгитдан 10 та майдонча қурилди. Пункт ишчилари транспорт қатнайдиган йўлларни ҳам ремонтдан чиқариб қўйишди.**

Т. ИМОМОВ.

## ТЮПКОЧИ ЗВЕНОДА

2-«Оққўрғон» совхозининг 3-бўлимидаги комсомол аъзоси Мирзамурод Мирзаев бошлиқ звено аъзолари 40 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун курашиб, ғўза парваришини август ойида ҳам қизғин давом эттиришяпти. Ҳозир ғўзаларга 3 марта комплекс ишлов берилди. Қондириб суғорилди. Механизация воситаси билан чеканка қилинди. Ҳозир звенонинг ҳар бир туп ғўзасида 6-7 тадан бўлиқ ва етилган кўсак санайсиз. Коллектив ғўзаларни яна бир марта тўла парваришдан чиқариб сентябрь ойигача кўсаклар сонини яна кўлайтириш учун курашмоқда.

Т. МАМАТОВ.

*Бугун — Руминиянинг миллий байрами*

## ТАЖРИБАКОР РАИС

**Шу йилнинг баҳоригача «Друмул ноу» колхозининг раиси Василе Чиртя Кришан областида моҳир ташкилотчи сифатида машҳур эди. У коллектив хўжаликларда, айниқса чорвачилик соҳасида нимани янгилик юз берса, ҳаммасини ўз хўжалигида амалга оширар эди. Раиснинг ташкилотчилик қобилиятлари туфайли у бошлиқ бўлган коллектив бўш ётган ерда атиги бирнеча йил ичида кўп тармоқли хўжалик вужудга келтирди. Бу ерда айниқса чорвачилик ривожланди. Ҳозир «Друмул ноу» колхозида 760 бош нирик қорамол, 1.100 бош чўчқа, 1.400 бош қўй боқилади. Хўжалик умумий фондида эса 2086 гектар ер майдони бор. Жамоат хўжалиги ривожланган сайин, унинг аъзолари ҳам тобора кўп даромад олаётирлар. Утган йили уларнинг хўжаликдан олган даромадлари бир меҳнат куни учун 17,6 лейни ташкил қилган бўлса, бу йил 26 лейга етказилади.**

**Энди Чиртя илғор тажрибаларни моҳирлик билан қўлланувчи тажрибакор раис сифатида ҳам шуҳрат қозонди.**

**...1958 йили Василе Чиртя румин деҳқонларининг делегацияси составида Совет Иттифоқида бўлди. Ленинские Горнидаги тажриба далаларида етиштирилган «Гибрид-186» буғдой нави билан қизиқиб қолди ва унинг учта бошоғини уйига олиб келди. Уз хўжалигида синамоқчи бўлди. Бу гибрид Салонта районининг тупроқ ва иқлим шароитларига жуда мос келди. Тажрибакор раис янги навли буғдой уруғини олиб, уни 0,65 гектар майдонга экиб кўрди. Ҳисоблаб кўрса, гектаридан 42 центнер ҳосил етиштириш мумкин экан. Утган йил кузида шу навдаги буғдой уруғини 12 гектар ерга экди. Ажойиб буғдой нави билан атрофдаги хўжаликларнинг мутахассислари, Ораддаги тажриба станцияси ҳам қизиқиб қолди. Ҳамма томондан кишилар янги буғдой нави етиштирилаётан участкага нелиша бошлашди. «Гибрид-186» экилган далани кўриб, ҳайрон қоласан киши. Ҳар бир бошоқда камида 30 тадан дон бўлиб, бошқа навдаги буғдойлардан ажралиб турарди. Тажриба станциясининг таклифи билан областнинг турли районларида янги навдан қандай ҳосил олиш мумкинлиги синаб кўрилди. Биз далаларда бўлган вақтимизда буғдой ҳали йиғиштириб олинмаган эди. Василе Чиртя бу йилги ҳосилни кўздан кечирар экан, камтарлик билан: янги навдан гектарига 25 центнердан ҳосил олсан, ёмон бўлмасди, деди. Ҳар ҳолда «Гибрид-186» нави бошқа буғдой навларига нисбатан анча кўп ҳосил беради.**

**Василе Чиртя, «Гибрид-186» нави Кришан областида «Безостой-1» навидан ташқари энг кўп экиладиган буғдой навидир, деб ҳисоблайди. Тажриба станцияси мутахассислари ҳам шундай фикрда. Ҳар иккала нав ҳам бизнинг ерларимизда яхши ҳосил беряпти. Лекин «Гибрид-186» нави яхши ҳосил бериши билан бирга, ундан кўп миқдорда хашак ҳам олиш мумкин.**

**Василе Чиртя махсус агрономлик маълумотига эга эмас. Лекин унинг ўз ишига пухталиги, меҳнатсеварлиги ҳамда жамоат хўжалигининг ривожланиши учун жон куйдириб ишлаши туфайли ҳамқишлоқларининг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлди. У оддий коллектив аъзосидан тажрибакор раис даражасига кўтарилди. Василе Чиртя ўз тажрибасини бошқа хўжаликлар, ёш мутахассислар билан ўртоқлашиб туради, ўзи ҳам улардан ўрганади.**

**Федор ЖАРИКОВ,**

**ТАСС мухбири.**

**Салонта-Бухарест.**



**Руминия Халқ Республикасининг пойтахти —Бухарест йилдан-йилга кўркамлашмоқда. Суратда: Бухарестнинг кўринниши.**

Аджерпресс — ТАСС фотоси.

АГИТАТОР СПРАВОЧНИГИ

## ЖАВОБ ТОПАСИЗ

Областимизда идеология ишларини кучайтириш агитаторлардан тобора кўпроқ ҳисса қўшишни талаб қилади. Ҳар бир агитатор меҳнаткашлар билан ўтказиладиган суҳбатларнинг сермазмун ва қизиқарли бўлишига эришиши, бунинг учун ҳар бир суҳбатга қунт билан тайёрланиб, ўзининг билим даражасини тобора ошириб бориши лозим.

Агитаторларга назарий ёрдам бериш мақсадида яқинда Давлат сиёсий адабиёт нашриёти (Москва) «Агитатор справочниги»нинг иккинчи наширини босиб чиқарди.

Справочник асосан КПСС XXII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари материалларига бағишланади. Унинг биринчи бобида КПСС XXII съезди ҳақида муфассал маълумот берилади.

Иккинчи бобга справочникда катта ўрин берилган. Бунда мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш билан боғлиқ бўлган асосий иқтисодий масалалар — халқ хўжалигини илмий-техника жиҳатидан такомиллаштириш йўллари (электрлаштириш, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, химияни кенг қўлланиш), ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш (ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришни яхшилаш, хўжаликка раҳбарлик қилиш ва планлаштиришни такомиллаштириш, корхоналарнинг хўжалик фаолияти самарасини ошириш), меҳнаткашларнинг маданий-техника савиясини юксалтириш, шунингдек, коммунистик экономикага ўтиш йўлида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бунинг натижасида жаҳонда энг юқори турмуш даражасига эришиш масалалари ёритилган.

Китобда ижтимоий истеъмол фондлари ҳақида қизиқарли мисоллар келтирилган. Справочникда кўрсатилишича, бир йилда бир мактаб ўқувчиси учун 100 сўм, бир студентни институтда ўқитиш учун 800 сўм сарфланади. Бир мутахассисни тайёрлаш учун эса давлат 5 минг сўм сарфлайди. (10 йил мактабда, 5 йил институтда ўқиши кўзда тутилади).

Бундан ташқари, бир касалнинг бир сутка даволаниши учун ўрта ҳисобда 5 сўм ажратилади. Ҳозир ижтимоий истеъмол фондлари ҳисобидан 23 миллион киши пенсия олмоқда, 7 миллион кўп болали онага нафақа бериляпти.

Бу бобда коммунистик ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши, ҳар томонлама етук коммунистик жамият кишисини тарбиялаш, жамият маданий ҳаётининг ҳар томонлама ривожланиши ва бошқа масалалар ҳам кенг ёритилган.

Справочникнинг учинчи бобида жаҳон социалистик системасининг иқтисодий тараққиёти, жаҳон капитализмининг кризиси, халқаро ишчилар ҳаракатининг ривожланишига доир муҳим материаллар берилган.

«Коммунизм ва тинчлик ажралмасдир» номли сўнгги бобда тинчтотув яшаш, ёппасига ва батамом қуролсизланиш ва жаҳонда барқарор тинчлик ўрнатиш учун кураш масалалари баён қилинган.

Шунингдек, справочник географик маълумотлар, СССРнинг космосни забт этишдаги ютуқлари, чет эл мамлакатларининг территорияси, халқи ва давлат тузуми, социалистик лагерь мамлакатлари экономикаси ҳақидаги маълумотлар, жаҳондаги мамлакатларнинг валюталари, ўлчов асбоблари ва бошқа хилма-хил маълумотлар билан бойитилган.

Агитаторлар справочниги фақат агитаторлар учунгина эмас, балки кенг ўқитувчилар, студентлар ва китобхонлар оммаси учун ҳам жуда фойдали қўлланмадир.

**Ҳикмат СОБИРОВ,**

**иқтисод фанлари кандидати.**

## МАРҲАМАТ, ХИЗМАТИНГИЗДАМИЗ

**МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН**

—Ҳў, йигит, қўйлагингиз сўкилибди, бундай юриш яхши эмас.

— Чорасини тополмадим. Амаллаб уйга етиб олмоқчиман.

— Чораси осон. Шундай «Экспресс» агельеси хизматчиларига учрашсангиз бас...

Иккинчи тўдадаги суҳбатга қулоқ соламиз.

—Дидимга мос туфли тополмай доғман.

— Хуноб бўлманг. Мана бу ерга кириб буюртиринг қўйинг-да.

Ҳақиқатан шундай қилиш керак. Қандай мушкулли иш бўлса, маиший хизмат ходимлари ҳожатингизни чиқаришга тайёр турибдилар. Лекин бундай қулайликларни ҳозирча кенг меҳнаткаш аҳолининг ҳаммаси ҳам билмайди. УзССР Министрлар Совети ҳузуридаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш Бош Бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ В. Ф. Барабаш шаҳар журналистлари билан бўлган матбуот конференциясида сўзлаб, гапни ана шундан бошлади.

Ҳозир маиший хизмат тармоқлари ва бу тармоқлар бажарадиган иш хиллари шу қадар кўпайиб кетдики, уларни бирма-бир санаб чиқиш қийин. «Узглавбит»га қарашли корхона ва пунктларнинг хизматчилари ёрдамида уйни ҳам ремонт қилиб олиш, тўйни ҳам чиройли ўтказиш, лозим бўлса, уйга энага чақириб бола боқтириш мумкин.

Ўртоқ В. Ф. Барабаш ўз сўзида Бош бошқарма фаолиятида кейинги йилларда бўлган катта ўзгаришлар ҳақида тўхталди. «Узглавбит» барча район ва шаҳар саноат комбинатларини, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи ҳамда халқ бадиий буюмларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни ўзига бирлаштирди.

1962 йил давомида маиший хизмат устахоналари тармоғи 511 тага ошди. Бу Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Республика Министрлар Советининг қарорида кўрсатилганидан бирмунча ортиқдир.

Шу йилнинг ўтган олти ойи ичида маиший хизмат устахоналари тармоғи 585 тага етди.

«Узглавбит» корхоналари ходимлари мактаблар, мактаб-интернатлар, ётоқхоналар, институтлар ва бошқа ташкилотларга бориб, ҳар хил хизматларни бажармоқдалар. Бунинг учун турли соҳа мастерларидан ташкил топган комплекс бригадалар тузилиб, жойларга юборилади.

Маиший хизмат корхоналарини ихтисослаштириш, устахона, ателье ва фабрикаларни йириклаштириш ва уларни механизациялаштиришга алоҳида эътибор қилинмоқда. Шаҳар марказларида ҳар хил тарқоқ майда устахоналар ўрнига техник жиҳозланиш жиҳатидан устун бўлган ихтисослашган маиший хизмат корхоналари барпо қилинмоқда. Масалан, пойтахтимизда радиоаппаратлари ва телевизорларни ремонт қилиш учун «Яшил экран» фабрикаси ташкил қилинди. Бу фабрика шаҳарнинг барча районларида қабул пунктларига эга. Бу пунктларга телевизор ва радиоприёмниклар махсус ажратилган автотранспорт ёрдамида келтирилади.

Бош бошқарма холодильниклар ремонт қилиш билан шуғулланадиган ихтисослашган «Север» фабрикасига ҳам эга бўлди. Бу фабрика зарур ремонт жиҳозлари, мослама ва асбоблар билан таъминланган бўлиб, катта ишлаб чиқариш қувватига эга.

Шаҳарда очилган «Нега» аёллар сартарошхонаси, бадиий каштачилик буюмлари ателъеси ҳам аҳолининг маиший эҳтиёжларини қондириш йўлида амалга оширилган муҳим тадбирлар бўлди. Бошқарма томонидан ўтказилган эркаклар ва хотин-қизлар қийимларининг энг яхши нусхалари, пойафзаллар, бош кийимлар, прическа ва фотографиялар конкурси меҳнаткашларда катта қизиқиш уйғотди.

Ҳозир республика шаҳарларидаги маиший хизмат тармоқлари 3 миллионга яқин аҳолининг ҳожатини чиқармоқда. 1965 йилгача аҳолига маиший хизмат кўрсатиш 2,2 марта ортади. 1958 йилда аҳоли жон бошига кўрсатилган хизмат ҳажми 4 сўм 51 тийинга тенг бўлган бўлса, ҳозир 10 сўм 17 тийинга етган. 1965 йилга келиб эса аҳоли жон бошига 12 сўм 35 тийинлик хизмат кўрсатиш мўлжалланмоқда. Бу меҳнаткашларнинг маданий турмушини яхшилаш, уларнинг тўхтовсиз ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш юзасидан давлатимиз қилаётган ғамхўрликнинг яққол далилидир.

Ўртоқ В. Ф. Барабаш журналистларни қизиқтирган жуда кўп саволларга жавоб қайтарди. Конференция қатнашчилари шу куни «Узглавбит» корхона ва пунктлари фаолиятини кўрсатувчи «Аҳолига маиший хизмат» фильмини томоша қилдилар. Бу — шу темада яратилган Иттифоқимиздаги биринчи ҳужжатли фильмдир.

С. МУСАЕВ.

Суратда: Қорасарой кўчаси, 112-уйда яшовчи Н. Мирюсупова кичкинтойи билан лотереяга ютган пианиноси олдида.

В. Салов фотоси.

# БАХТИНГИЗ КУЛСИН

*Пул-буюм лотереялари меҳнаткашлар ўртасида зўр қизиқиш туғдирмоқда. Лотереялар ўйналган вақтдан буён юз минглаб меҳнаткашлар жуда кўп миқдорда пул-буюм ютуқлари олдилар. Шу жумладан «Волга», «Москвич» ва «Запорожец» енгил автомашиналарига эга бўлдилар, мотоцикл ва холодильниклар, пианино ва магнитофонлар, телевизор ва гиламлар, тикув ва кар ювиш машиналари ҳамда бир қатор бошқа қимматбаҳо буюмлар ютдилар.*

*Бу йилги лотереяда меҳнаткашларнинг илтимосига мувофиқ «Волга» ва «Запорожец» автомашиналари ўрнига кенг аҳоли оммасига мақбул бўлган бошқа қиймматбаҳо ютуқларнинг сони*

## *25 августда лотерея ўйналади*

□ □ □

*оширилди. Бу йил биринчи марта мотовелосипедлар, «Бокс» радиоласи, «Чайка» пилесоси, «Юрюзань» ва Саратов холодильниклари, тасвирий санъат асарлари ҳам ютуқлар ҳисобига киритилди.*

*1963 йил лотереяси 6 марта чиқарилади. Лотереяларнинг барча чиқарилиши бўйича 1 миллион 698 минг та пул ва буюм ютуқлари, ёки 1962 йилги лотереяларга нисбатан 487 минг та ортиқ ютуқ ўйналади.*

*6 миллион 300 минг сўм миқдорида чиқарилган лотереяларнинг 3 миллион 150 минг сўми пул ва буюм ютуқлари сифатида тўланиб, лотереялардан йиғилган қолган ярим маблағ шаҳар ва район бюджетларига келиб тушади ва социал-маданий тадбирлар учун сарфланади. Шундай қилиб, лотерея билети олиш билан бирга ҳар бир меҳнаткаш болалар боғчалари, яслилари, мактаб ва касалхоналар тармоқларининг кенгайишига ҳисса қўшган бўлади.*

*Шу йилнинг ўтган ойлари ичида 3 марта тираж ўйналди. 30 тийинга лотерея билети сотиб олган кўпгина кишилар йирик ютуқларга эга бўлдилар.*

*Мана, Калинин ишлаб чиқариш бошқармасида турувчи Маҳамадали Абдумаликовни олиб кўрайлик. Унинг омади келиб, 30 тийинга аравачали мотоцикл ютди. Биринчи пойафзал фабрикасининг диспетчери Ф. Иерусалимский кўпдан буён болаларига пианино олиб беришни орзу қиларди. Бахтни қаранки, олган лотереясига худди пианино чиқиб қолди. Мана энди пианино учун жамғарган пулига бошқа уй-рўзғор буюмлари сотиб олиши мумкин. 3-Боткин проезди 135-уйда турувчи А. Пучкова холодильник, уй ишлари билан шуғулланувчи Мавлуда Рашидова «Бокс» радиоласи ютдилар. Ҳаммадан ҳам Ким Геннадийнинг билети «бахтли» чиқиб қолди. У энг қиймматбаҳо ютуқ — «Москвич» автомашинасига эга бўлди.*

*Шу кунларда 4-чиқарилган лотерея билетлари сотилмоқда. Унинг тиражи 25 август куни Қарши шаҳрида ўйналади. Лотерея билети эгалари, тиражда омадингиз келсин.*

*А. СОАТОВ.*

*Тошкент шаҳар давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредити бошқармасининг бошлиғи.*

# Ўртўқмоқ

## АТТЕСТАТЛАР МОЖАРОСИ

Азизим «Ўртўқмоқ»! Билласан, таълимингни еган содиқ шогирдингман. Шунинг учун халқимнинг дилини ҳеч ким ранжитмаса дейман.

Қалай, ниятим дурустми?..

— Баракалло!

Шундай бўлгач, сенинг муҳим топшириғингни қойиллатай деб кетаётган эдим, йўлда 3—4 та етуклик аттестларнинг хуноби ошиб можаролашиб турганини кўриб тўхтадим. Улар «Сквер» майдонидаги бир дарахт тагида ғуж бўлиб туришарди. Гапни бири олиб, бири қўйиб жиғи бийрон бўлишарди. Индамай кетавериш инсофдан эмас, албатта. Можаронинг боисини билиш, айбдорни топиб гаплашиб қўйиш касб-корим-да!

Шу сабабли туяга янтоқ керак бўлса бўйнини чўзади деганларидек, мен ҳам суҳбати хунобга бўйнимни чўзиб бош суқдим. Мен боришим билан аттестатлар даврa қуриб олишди.

— Нима гап, ўзи? сўрадим улардан.

— Нима гап бўларди! — Дўқ урди уччаласи бирдан. — Ҳаммамизнинг эгаларимиз она тили ёзмасидан думалаб чиқишди, — дедн аттестатлардан бири кўз-ёши қилиб.

— Нега? — Ажабланиб сўрадим ундан.

—Нега бўларди, — яна уччаласи бараварига мени талаб кетишди. Шунда бир аттестатнинг кўнгли бехузур бўлиб, ерга дастурхондек ёйилиб тушди.

— Мана, қара, — деди ётган жойида у, — мени ким айтади етилган аттестат деб.

Бундоқ қарасам бу, шу йил 9 июль куни 029509 номер билан ўрта мактаб дарвозасини ланг очиб олий мактаб дарвозасига жавлон уриб келган етуклик аттестат экан. Унинг устига ёзилган «ноз-неъмат»ларни кўриб оғзим «очилиб» қолди. Бай-бай, шармандалик, шармандалик! Тилим дол бўлиб, ёзувларни ўқолмадим, қоғозга кўчириб олдим.

Дарҳақиқат уларнинг куйганича бор экан. Ҳаётга йўлланма берувчи билим ўчоғида шундай «саводли» ўртоқлар бор эканки, асти қўяверинг. Ўқувчиларнинг шўри. Яхшиси ўқиб кўринг.

«Курбанов Аманулла хонга шу тўғридаки, у 1963 йили 3-сонли Ўзбекистон 30 йиллик номли мактаб Юқори Чирчиқ район с/с Ак Аулнинг тўла курсини аъло хулқ билан...

Физикадан 5 (беш)
Химиядан 5 (аъло)
. . . . . .
По физике 5 (отличные)
По химии 5 (отличные)
По иностранному языку немец...»

Мана шу хомхатала аттестатга биринчи бўлиб мактаб директори ўртоқ Қ. Абдуллаев қўл қўйган яна икки азамат ўқитувчи имзо чеккан. Бу уч қаватли имзолар думалоқ печать билан муҳрланиб қўйилибди.

Буни кўриб фиғоним осмонуазмга чиқди, телефонни олдим.

— Алло! Мактаб директорими? Бир келиб ҳисоблашиб кетинг!...

Келинг буёғини айтмаймиз. Лекин бир маслаҳатимиз бор. Ўртоқ директор, шу гаплардан хулоса чиқариб, мактабингизда саводсизликни тугатиш курси очиш масаласини бир ўйлаб кўрсангиз. Ҳа, айтгандай тағин ўзингиз дарс бериб ўтирманг, сабоқ олинг, маслаҳат шу!

Искандар СУЛАИМОНОВ.

# Реклама ва Эълонлар

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

**23 АВГУСТДА**

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Биринчи қўнғироққа бир ҳафта қолганда** (мактабдан репортаж). 18.25 — **Телевизион янгиликлар.** 18.45 — **Ёрқин талант** (А. И. Купринга бағишланган адабий эшиттириш). 19.20 — **Концерт** (халқ опера театри артистлари ижросида). 20.00 — **Биз Кронштадтдан** номли бадиий фильм («Совет киноклассикаси» циклидан).

21.30 — **Эртаси куни программаси.**

Ўзбек тилида: 21.35 — **Телевизион янгиликлар,** 21.55 — **Машина теримига ҳамма нарса шайланганми,** 22.15 — **Кўча тасодифларга тўла** номли бадиий фильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 20.10 — **Халқ контролёри ҳушёр бўлганда,** 20.35 **Чехословак телевизион бадиий фильми.**

Рус тилида: 21.35 — **Ҳиндистон рассом кўзи билан** (ҳинд фото рассоми Шах виставкаси), 21.55— **Бирга бўлганингдагина** номли бадиий фильм.

## ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бинода) — 23/VIII да **Ишқинг билан,** 24/VIII да **Нодира.** Кеч соат 8 яримда бошланади.

## КИНО

**ҚИШКИ БИНОДА:**

**Уч плюс икки** — «ИСКРА» (эрталаб соат 9 ярим ва кеч 8-20 минутда).

**Очкўз тошлар** — «ВАТАН», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

**Поезддаги афсона** — «ВАТАН» (кеч соат 9-45 минутда).

**Дўстлар цирки** — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

**Хатога икки қадам** — «ИСКРА» (кеч соат 9 дан).

**Алишер Навоий** — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 2, 4 ва кеч 6 яримда).

**Театрга тун яқинлашмоқда** (1 ва 2-серия) — «ВОСТОК» (катта залда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

**Бош министр Киммарусу** — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

**Ялангоч орол** — «ВОСТОК» (кичик залда кеч соат 7 ва 9 да).

**ЁЗҒИ БИНОДА:**

(кеч соат 9 ва 10-45 минутда)

**Уч плюс икки** — НАВОИЙ номли, «ФЕСТИВАЛЬ», КАФАНОВ номли, «РАКЕТА».

**Поезддаги афсона** — «ВАТАН».

**Чорраҳа** — «ПОБЕДА» (кеч соат 8 яримда).

**Тумор** — ТЕЛЬМАН номли.

**Георгий Саанадзе** (1 ва 2-серия) — «УДАРНИК».

**Шоир бешиги** — 1 МАЙ номли.

**Бош министр Киммарусу** — — «ПОБЕДА» (кеч соат 10-40 минутда).

**Хатога икки қадам** — «ШАРК».

**Хиёнат ваҳимаси** — «МЕҲНАТ».

**Кочкин афсонаси** — «ПАХТАКОР».

### СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

**24, 25 августда**

**ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ**

солист **Жуманазар Бекжонов** иштирокида

### КАТТА КОНЦЕРТЛАРИ

Концертда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Меҳри Абдуллаева, Дилором Шерова,** солистлардан **Холисхон Қодирова, Тоштемир Шарипов** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

### Кинофильмлар прокати Ўзбекистон конторасиКИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНИГА янги бадиий фильмлар чиқаради

## *КАИН XVIII*

*номли рангли сатирик кинокомедия*

Сценарий авторлари — **Е. Шварц, Н. Эрдман.**

Постановкачи режиссёрлар — **Н. Кошеварова, М. Шапиро.**

Бош оператор — **Э. Розовский.**

Ролларда: **Э. Гарин, Л. Сухаревская, С. Лошчинина, А. Демьяненко, С. Хитров, Ю. Любимов, Б. Фрейдлих, М. Жаров, А. Беньяминов**лар қатнашади.

«Ленфильм» киностудияси ишлаган.

## ПОЕЗДДАГИ АФСОНА

*номли киноповесть*

Москвада бўлиб ўтган III Халқаро кинофестивалда бу фильмга Кумуш мукофот берилган.

Сценарий автори — **Роберт Бан.**

Режиссёр — **Тамаш Рени.**

Оператор — **Отто Форгач.**

Ролларда: **Имре Шиннович, Адам Сиртеш, Илдико Печи, Ласло Банхиди, Кожеф Мадараш** ва бошқалар қатнашади.

Венгриянинг «Гунния» киностудияси ишлаган.

*Гражданлар диққатига!*

Тошкент шаҳар ижроия комитети Маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг

### „Шарқ" маиший хизмат кўрсатиш комбинати

ЯККА БУЮРТМА ТАРТИБИДА:

**ҲАР ХИЛ ПАРДАЛАР, КУРПА ВА МАТРАСЛАР, ТРИКОТАЖ БУЮМЛАР, БОШ КИЙИМЛАРИ ТИКИШ УЧУН**

**ЗАКАЗ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

**Тошкент шаҳрининг ҳамма бозорларида**

**АҲОЛИ УЧУН МАҲСУЛОТ ЖОЙЛОВЧИ ВА ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ ДИСПЕТЧЕРЛИКЛАР ИШЛАЙДИ.**

**Телевизор, приёмник, холодильник, нир ювиш машинаси, чангдан тозалайдиган пилесос, турли хил идиш-товоқ, музика асбоблари ва бошқа уй-рўзғор буюмларини**

**ИЖАРАГА БЕРУВЧИ ПУНКТЛАР**

**очилган**

**Квартираларни йиғиштириш, энага ва пол артувчи полотёрлар хизматидан фойдаланиш учун**

**ЗАКАЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ**

Зарур масалаларда мурожаат қилиш учун адрес: Тошкент шаҳар, Фигельская кўчаси, 9-уй, телефон 6-29-76.

# Халқаро аҳвол

## В. ТЕРЕШКОВА ВАТАНИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

**ПРАГА, 21 август. (ТАСС). Совет космонавти Валентина Терешкова бугун Ватанига жўнаб кетди. У, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети, Чехословакия Социалистик Республикасининг президенти Новотний ва Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан Чехословакияда бир ҳафта меҳмон бўлиб турди.**

## ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИДА

НЬЮ-ЙОРК, 21 август. (ТАСС). Исроил Хавфсизлик Кенгашининг раисига мурожаат қилиб, Сурия-Исроил чегарасидаги аҳволни муҳокама қилмоқ учун кенгашни дарҳол чақиришни сўради. БМТ ҳузуридаги Исроил ваколатхонасининг бу ерда матбуот учун эълон қилинган хабарида айтиладики, «Сурия чегараси томонидан Исроилга қарши янги агрессия акти қилинганлиги» сабабли хавфсизлик Кенгашига мурожаат қилинди.

## Скопле аҳолисига

БЕРЛИН, 21 август. (ТАСС). Зилзиладан зарар кўрган Скопле шаҳри аҳолиси учун ёрдам фондига пул тўплаш ГДРда давом этмоқда. Республиканинг ҳамма округларида меҳнаткашлардан ёрдам фондига пул тушмоқда. Матбуотнинг хабар беришича, ҳозироқ бу фонд 1,7 миллиард маркадан ошиб кетди.

# Қалбимиз ИСКАНЖАСИДА

*АНГЛИЯ*

Англия бинокорлари курашни давом эттирмоқдалар. Забастовкада 200 минг киши қатнашмоқда. Бинокорлик саноати ишчилари Миллий федерациясининг вакили бундай деди: Корхона эгалари билан бўлган бу йилги конфликтга бевосита тортилмаган бинокорлар ҳам ўз ўртоқларига бирдамлик кўрсатиш мақсадида забастовкада қатнашдилар. Шу вақтгача касаба союз аъзолари бўлмаган кўпгина ишчилар забастовкага қўшилиб, касаба союзларига аъзо бўлдилар.

*АВСТРИЯ*

Венадаги «Шаак» ва «Вертхейм» корхоналарининг ишчилари мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат товарлари нархининг ўсаётганлиги ва ишсизлик ва нархларни бундан буён ошириш ҳақида ва нархларни бундан буён ошириш ва ишсизлик ҳақидаги ва нархларни